



MILLIY TIKLANISH

27 (88) 2010 йил 14 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



Ўқувчиларнинг сеvimли маскани
Таълим масканида замонавий педагогик технологияларга асосланган ўқув хоналари ташкил этилган. 1 та ахборот технологиялари, 2 та кимё, 1 та физика лабораторияси, 2 та лингафон хонаси, тикувчилик устахонаси, спорт зали ва 203 ўринли талабалар уйи ҳамда 100 ўринли ошхона ўқувчилар хизматида.



Нефть доғлари
Жорий йилнинг 20 апрель куни Мексика қўлтиғида нефть платформасидаги портлаш оқибатлари тез орада ҳал этилиши, океанга сизиб чиқаётган улкан нефть доғлари тозаланиши маълум қилинганди. Аммо икки ярим ойдири, муаммо бартараф этилгани йўқ, аксинча, нефть доғлари тобора кенгайиб, экологияга жиддий таъсир қилмоқда.



Ўзбекистонда ҳам регбига кизиқиш кучаймоқда
Регби, аниқроғи, «Регби х7» тури Лондон-2012 ёзги олимпиада ўйинлари дастурига ҳам киритилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон регби федерациясининг иши жонланиб кетди.

6-бет

7-бет

8-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРЛАМЕНТ	2-бет
Тинчлик посбонлари	
Назорат-таҳлил фаолияти	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
«Баркамол авлод — обод Ватан келажаги»	
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ	4-бет
Қурилиш лойиҳадан бошланади	
Ёш мутахассислар эътиборда	
МАЊАВІЯТ	5-бет
Қўқон аънавий наққошлиғи	
ЖАРАЁН	6-бет
Ногиронлар ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланди	
Ўқувчилар кўргазмаси	
Масъулиятни ҳис этиб	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Ниос кўлининг сири	
Дунёдан дараклар	
КўЗГУ	8-бет
Дастлабки йирик натижа	

АНЪАНА



«Баркамол авлод — обод Ватан келажаги»

минтақавий ёшлар форуми Қорақалпоғистонда бўлиб ўтди

Мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбияси, жумладан буюк аждодларимизга муносиб ворисларни камол топтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

3-бет

ЖАРАЁН

Биз ўз қадримизни қаердан излашни биламиз, лекин сиз ўз қадрингизни қаердан излаяпсиз?

ёки «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги «жиддий кураши»нинг натижалари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар туфайли сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. Шунинг баробарида, сиёсий партиялар ўртасида ўзаро кураш ва рақобат ҳам анчайин жонланганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, партия нашрларида бу кураш яққол акс этмоқда. Тўғри, билдирилаётган танқидий фикрлар, даъво-дашномларнинг барчасини асосли деб бўлмаса-да, лекин партияларнинг мудом «қўллаб-қувватлаш» ва бир-бирининг фаолиятини жим кузатиш амалиётидан, фаол ўзаро рақобат сари қадам ташлаётганлиги сезилиб турибди.

Бошқа сиёсий партияларнинг, хусусан, «Адолат» СДП («Қадрни қадриятлар қаъридан қидиринг») вакилларининг ЎзМТДП фаолиятига нисбатан билдирган «танқидий фикрлар»ни ўқир экансиз, жамиятимизда сиёсий баҳс маданиятини шакллантиришни янада кучайтириш заруратини яна бир бор англаб етасиз. Айниқса, ўзаро баҳс-мунозара амалий негизда, аниқ факт ва рақамларга асосланиб эмас жимжимадор гаплару, тирноқ остидан қир қидиришга ўхшаш тоши енгил таъналарга

таяниб олиб борилиши ўқувчида мураккаб таассурот қолдиради. Одамларда сиёсий партиянинг савияси, имконияти ва потенциалига нисбатан шубҳа уйғонади. Бугун мамлакатимиз барча шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, жойларда улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда. Энг муҳими одамларнинг дунёқараши ўзгариб, сиёсий фаоллиги ошиб бормоқда.

2-бет

НУҚТАИ НАЗАР

Жой номлари халқчил бўлса

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўплаб тарихий жой номлари қайта тикланди ва бугунги кунда ушбу хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Эътиборли томони шундаки, янги қўйилаётган номларнинг аксарияти тарихий ном ва атамаларга мос. Тўғри, айрим ҳолларда кўча, нари борса маҳаллани у ёки бу соҳада таниқли бўлган шахслар номи билан аташ мумкин. Лекин мамлакат миқёсидаги ҳудудий бирликларга ном беришга эҳтиёткорлик билан ёндашиб, тарихий асосланган ва энг муҳими халқ онгига сингиб кетган номларни танлашга эътибор қаратмоқ лозим.

4-бет

ИФТИХОР

Дилда ғурур, қалбда фахр туйғуси

Жонажон Ўзбекистоннинг мустақиллик байрамини дилда қувонч ва катта шодиёналар билан кутиб олиш ўзига хос аънамага айланди. Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий жамоаси ва талабаларига янада кўтаринки руҳ бахшида этмоқда.



Қарорда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш таъйини тобора мустаҳкамланиб бораётгани барчамизга бирдек ғурур бахш этади. Миллий университет мураббийлари ва талабалари билан суҳбатлашар эканмиз, улар қалбидаги ифтихор туйғуларини беихтиёр оққа кўча бошлайди.

5-бет

Мустақилликка эришганимиздан сўнг муқаддас ва гўзал юртимиз заминидан ҳар томонлама озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик. Бунда айнан «озод» ва «обод» деган тушунчаларга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Қурилиш лойиҳадан бошланади

Нега деганда, озодлик ва ободлик халқимиз учун қадим замонлардан бошлаб ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келади. Шу ўринда бир ўйлаб кўрайлик: юрт ободлиги нимадан бошланади? Авваламбор, шу юрtnинг эгаси бўлиш халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, лўнда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланади.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мана шундай буюк ва олижаноб мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар она диёримизни ҳар томонлама обод этиш, уни дунёга танитишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

4-бет

ALOQABANK — ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРЛАМЕНТ

ИСЛОҲОТ

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳиссаси катта. Уларнинг халқ билан ҳамжиҳатлиги маҳаллаларимизнинг осуда ва ободлиги, хонадонларимизнинг хотиржамлигига хизмат қилмоқда.

Тинчлик посбонлари

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ
КУЧАЙТИРИЛДИ

Ҳ.ХАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторинги
институтининг умумий бўлим мудири

Ватан учун, унинг осойишталиги учун жон фидо қилган юрт фарзандларининг хотирасини қадрлаш, руҳини шод этиш йўлида қилинаётган эзгу амаллар халқимиз дилидаги ёруғ ниятлардан бирига айланган. Бунинг замирида катта маъно борлигини вақт ўтган сари тобора чуқурроқ англаяпмиз ва унинг мазмунига терефроқ етаяпмиз. Зотан, истиқлол йилларида қайта тикланган мазмунга қараб иш кўриш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг муборак ёдига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, бу — асл миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳисобланади.

Бу борадаги ислохотлар ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар бевосита навиқрон авлод вакиллари — фарзандларимиз кўз ўнгига амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида ёш авлод ватан парварлиги руҳида камол топишига, тинчлик бебаҳо неъмат эканлигини янада чуқурроқ англаб етишига хизмат қилади.

Хотира ва Қадр деб аталмиш муқаддас тушунчалар ҳақида гап кетганда, албатта, оқибат, яхшилик, саховатпешалик сингари бебаҳо фазилатлар тилга олинган. Зеро, хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетақдор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ватан учун жон берган ҳарбий хизматчи ва ички ишлар ходимлари номига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Шубҳасизки, фарзандларимиз бу орқали тинчлик учун жонини фидо қилган инсонлар ёдини қадрлаш, саховатга муҳтож кишиларга қўмаклашиш каби олижаноб фазилатларни ўз қалбига сингдириб борадилар. Бундай ёндашув эса мамлакатимиз фуқаролари, эл-улус манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзидан яхши ном қолдирган юрдошларимиз Хотираси ва Қадрига қўйилган Меҳр ҳайкалидир. Шунингдек, бу инсон ҳаётига, унинг муқаддас ёдию умри давомида бажарган эзгу амалларига бўлган чексиз эҳтиром рамзидир.

Халқимизга хос ушбу эзгу амаллар бардавомлигини таъминлашда яқинда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180- ва 275-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Қонунга кўра ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларида ўз мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилди. Хусусан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг «Пенсияларга устама ҳақлар» деб номланувчи 28-моддаси «и» бандига киритилган ўзгариш нафақат ички ишлар органла-

ри ходимлари балки ҳарбий хизматчиларнинг ҳам ота-оналари ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари ёки бева эрларига мазкур имтиёз-ни қўллашни назарда тутди. Бундан ташқари Солиқ кодексининг «Жисмоний шахсларни солиқдан озод этиш» деб номланган 180-моддаси 2-қисми 7-бандига ва «Имтиёзлар» деб номланган 275-моддаси 1-қисми 7-бандига ушбу нормада кўрсатилган пенсия ва солиқ имтиёзлари ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар идоралари ходимларининг ота-оналари, бева хотинлари ёки бева эрларига татбиқ этишни назарда тутди.

Мазкур соҳада халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, ҳаттоки ривожланган баъзи Европа давлатларида вафот этган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси асосан сугурта институтини билан муҳофазаланганлиги, солиқ ҳамда пенсия муносабатларига оид имтиёзлар фақатгина жонбозлик кўрсатган ҳарбий хизматчиларнинг ўзларигагина татбиқ этилганлигини эътироф этиш лозим. Масалан Америка Қўшма Штатлари, Канада, Австралия, Буюк Британия давлатларида бундай ижтимоий муҳофаза сугурталаш йўли билан таъминланганлигини кўриш мумкин. Бу давлатларда ҳарбий хизматчи ўз хизмат вазифасини амалга ошириш чоғида вафот этган тақдирда унинг оила аъзоларига фақатгина бир мартада тўланадиган сугурта бадалли тўлаш билан чекланилади ҳолос. АҚШда 1948 йилдан буён «Махсус хизмат шартномалари» деб номланувчи қонун амалда бўлиб (унинг яна бир номи - Вагнер қонуни), унга кўра ижтимоий муҳофаза масалаларига оид қилиб чиқадиган низолат Касаба уюшмалари доирасида ҳал этилиши белгилаб қўйилган. Австрия, Германия, Италия, Франция каби давлатларда мазкур ҳолат бирмунча яхши бўлиб, хизматчиларнинг ижтимоий (молиявий) ҳимояси бевосита қонунларнинг ўзида акс эттирилган.

Ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар идоралари ходимларининг оила аъзолари ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар изчил давом эттирилаётганлигининг яна бир ёрқин далили шундаки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан шу каби имтиёزلарни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштиришга оид ҳуқуқий ислохотлар изчиллик билан давом этар экан, бу ўз навбатида халқимиз қалбига эртанги кунга ишонч билан қараш ҳиссини мустаҳкамлаш билан бирга, ҳарбий хизматчи ва ички ишлар идоралари ходимларининг янада масъулиятли фаолият юритишлари оғил бўлиб хизмат қилади.

ЖАРАЁН

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ана шундай эзгу жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиш сиёсий партияларнинг жойлардаги ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан уюшқоқлик ва масъулият талаб қилади. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатларнинг ваколат ва имкониятлари кенгайганлиги, уларнинг бевосита одамлар ичида яшаб, воқе-

“Адолатчи”ларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги аҳволини юқорида аниқ рақамлар тимсолида кўрдик, хўш ҳақиқий имконият ҳаминқадар бўлган бир пайтда ушбу партия “муаммоларни ҳал этиш билан етарлича” нима ҳисобидан “шуғулланаётган экан”?

аларнинг ичида эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар бир сиёсий партия учун маҳаллий вакиллик органларидан кўпроқ жой олиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан «Адолат» СДПнинг бу борадаги кўрсаткичлари ва амалий фаолиятини кўздан кечириб, ушбу партиядан халқ депутатлари вилоят кенгашларига 55 нафар, шаҳар кенгашларига 85 нафар, туман кенгашларига 302 нафар депутат сайланганлигига (халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги 6143 депутатлик ўрнидан бор-йўғи 442 ўрин «Адолат» СДПга тегишли) гувоҳ бўласиз. Бу мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партия ичиданги энг паст кўрсаткич ва бу ЎзМТДП эришган натижанинг 40 фоизини ташкил қилади. Айрим туман ва шаҳар кенгашларига ушбу партиядан бир нафар ҳам депутат сайланмаган. Масалан, Наманган ва Навоий вилоятларининг бирорта шахрида мазкур партия вакиллари депутатлик ваколатини қўлга кирити олмаган бўлсалар, Жиззах вилоятининг бирор бир туман кенгаши-

га «Адолат» СДПдан депутат сайланмаган. Бу рақамлар партиянинг жойлардаги ташкилотлари ҳали тўла шаклланмаганлиги, унинг гоё-мақсадлари кенг жамоатчилик ичига

айтиш мумкин? Аҳвол шу даражада бўлгандан кейин, “ҳудуддаги муаммолар”ни қандай куч ёки восита орқали ҳал қилишга чоғланаяпти ушбу партия?

қадри ҳақида кетмаётганлиги очик-ойдин кўриниб турибди. Қадр ҳақидаги алаҳсирашга ўхшаган алмойи-алжойи “мулоҳаза”ларни ўқиб, гапни, фикрни ўз ўрнига қўя

Биз ўз қадримизни қаердан излашни биламиз, лекин сиз ўз қадрингизни қаердан излаяпсиз?

ёки «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги «жиддий кураши»нинг натижалари

кириб бормаганлиги, амалий ишлар салмоғи ҳаминқадар эканлиги, мажбур партия кенгашлари эса номигагина фаолият олиб бораётганлигини кўрсатади.

“Адолат” газетасида чоп этилган «Синовдан кейинги салмоқ ва сабоқ» деб номланган мақола партиянинг амалий ишлари қанчалик ночор эканлигини яққол кўрсатади. Мақолада «Адолат» СДПнинг Чортоқ тумани кенгаши раиси Ҳабиба Мирабдуллаева «Бундан буён (яъни сайловдан сўнг. Таъкид бизники.) фаолиятимизни аниқ режа асосида қатъий ва изчил амалга ошираемиз. Энг аввало, ҳудуддаги айрим муаммоларни ҳал этиш масаласини кўтариб чиқиш-ни мақсад қилганмиз» дейди. Биринчидан, буни ўқиган одамда шу пайтгача «Адолат» СДП режасиз ишлаб келган экан-да?,- деган мулоҳаза туғилиши табиий.

Иккинчиси, партия вакили сайловнинг умумий натижаларидан ёки беҳабар ёки билиб-билмасликка олаяпти. Йўқса, деярли барча номзодларимиз жиддий курашишди, юқори овозлар олишди» демаган бўларди. Чунки мазкур мақолада ҳам таъкидланганидек, «Адолат» СДП Наманган вилояти бўйича халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги 426 ўридан 416 тасини бой берган. Оқибатда эса вилоятнинг барча туманларида депутатлар сонини кам бўлгани учун депутатлар гуруҳлари шаклланимай қолган. Инсоф билан айтиш, шундан кейин ҳам қандай қилиб «деярли барча номзодларимиз жиддий курашишди, юқори овозлар олишди» деб

Партия нашрида эълон қилинган “Қадрни қадриятлар қаъридан қидиринг” мақоласида эса “Адолат” СДП атроф-муҳит экологик муҳофазаси ва инновацион технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш муаммоларини ҳал этиш билан етарлича шуғулланаётган экан, “Миллий тикланиш”даги рақобатчилар бундай юртпарварлик ҳаракатида ўзлари қачон фаол иштирок этишади?” деган иддаони ўқиб, ўз-ўзини мақтовдан иборат бу муҳим гапни бошқалар айтса ярашарди, деган фикр туғилади. Ким ўзини мақташини эса халқимиз ўз мақолларида жуда чиройли қилиб айтиб қўйган. Уни бу ўринда яна бир қарра эслатишга ҳолат бўлмаса-да, лекин “адолатчи”ларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги аҳволини юқорида аниқ рақамлар тимсолида кўрдик, хўш ҳақиқий имконият ҳаминқадар бўлган бир пайтда ушбу партия “муаммоларни ҳал этиш билан етарлича” нима ҳисобидан “шуғулланаётган экан”?

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари ҳамма вақт ва ҳатто қизгин курашлар остида кечган сайловлар жараёнида ҳам бирор бир бошқа партиянинг қадр,шанъига ҳеч қачон даҳл қилмаган. “Адолат” СДПнинг нашри эса экологик муаммоларни ҳал қилишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги ҳусусида ЎзМТДП фракцияси аъзосининг фикрини “андиша” ва “қадр” билан боғлаб, мавзуга ёпишмаган, боз устига хорижий бир манбадан иқтисод келтиради. Бу ўринда гап “Адолат” СДПнинг

Бизку қадрни ҳам, одобу андишани ҳам миллий қадриятларимиз, миллий меросимиз бағридан излаётимиз. Чунки, халқимиз ва буюк аجدодларимизнинг тенгсиз илмий-маданий мероси ҳар қандай мавзуда етарли даражада маънавий озукка берадики, биз ўз қадримизни “адолатчи”ларга ўхшаб “Махзан ал-улум”дан излаётганимиз йўқ.

олмаслик ушбу партиянинг айрим раҳбарларидан тортиб, журналистигача хос хусусият эканлигига яна бир қарра ишонасиз. Бизку қадрни ҳам, одобу андишани ҳам миллий қадриятларимиз, миллий меросимиз бағридан излаётимиз. Чунки, халқимиз ва буюк аجدодларимизнинг тенгсиз илмий-маданий мероси ҳар қандай мавзуда етарли даражада маънавий озукка берадики, биз ўз қадримизни “адолатчи”ларга ўхшаб “Махзан ал-улум”дан излаётганимиз йўқ.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish”
муҳбири

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Назорат-таҳлил фаолияти

ОАВ соҳасига доир қонунлар ижросига бағишланди

Давлатимиз раҳбари матбуот ва оммавий ахборот воситалари кўни муносабати билан соҳа вакиллари йўллаган байрам табригида кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса, наднавлт нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши ҳамда аҳолимизнинг дунёқараши ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Дарҳақиқат, юртимизда ОАВнинг эркин фаолият олиб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Бу ишларнинг натижаси ўзaro рақибига Тошкент шаҳрининг ўзида 198 номдаги газета, 200 номдаги журнал, 12 та телевидение, 16 та радио, 124 та веб-сайт мавжуд. Уларнинг 50 фоиздан ортиги наднавлт ва хусусий нашрлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур ОАВлар мамлакатимиз ва пойтахт сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги янгиликлар, барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг самараси, улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб этиш, республика ва жаҳонда юз бераётган ўзгаришларга оид ахборотларни тарқатишда фаоллик кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, бугунги кунда у тобора такомиллаштирилмоқда. Аммо эришилган ютуқлар билан бир қаторда, баъзи ОАВлар фаолиятида соҳага доир мавжуд қонунларга амал қилишда айрим камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Бу эса Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг пойтахтимизда фаолият олиб бораётган ОАВлардаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижасида ҳам яққол намойён бўлди. Ушбу назорат-таҳлил фаолиятининг яқунларига бағишланган қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида депутатлар, мутахассислар ва соҳа вакиллари иштирок этди.

Даставвал қўмита аъзоси Шўхрат Дехқоновнинг назорат-таҳлил яқунлари бўйича маъруза-

си тингланди. Унда айтилишича, 2010 йил бошидан буён шу кунгача юқоридаги қонунлар бузилиши бўйича даврий нашрларда 25 та, телерадиоканалларда 5 та, «uz» доменидаги веб-сайтларда 18 та қонун бузилиши аниқланган. Даврий нашрларда энг кўп «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ги Қонуннинг 18-моддаси нормалари, интернет тармоғидаги веб-сайтларда эса қонуннинг 6-моддасидаги талаблар бузилган. Таъсис ҳужжатларини тузиш, газета ва журналларни чоп этиш, кўрсатув ва эштитиришларни тайёрлаш, эфирга узатиш жараёнларида ҳам соҳага оид қонунларга ўзлалигича риоя этилмаган. Шунинг билан бирга айрим тахририятларда малакали кадрлар етишмаслиги, қўлпаб нашрлар савияси талаб даражасида эмаслиги ҳам кузатилган.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

— Аксарият нашрлар жумладан, “Вечерний Ташкент”, “Туркистон”, “Ўзбекистонда солиқчи сақлаш — Здравоохранение Узбекистана”, “Садо”, “Работа в Ташкенте”, “Хордиқ плюс”, “Дилбарим” газеталари, “Соғлом авлод учун” ва “Мактабгача таълим” журналларида хос асосий камчиликлардан бири — бу уларда “Мақола, релама, эълон ва билдирувлардаги факт ва далилларнинг мазмунига тахририят жавобгар эмас” қабилидаги ёзувларнинг қайд этиб келинаётганидир, деди нотиқ маърузасида давом этиб. — Бу ўз-ўзидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси, “Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси талабларига зиддир.

Йиғилишда қонунларни ижро этишда муассислар билан тахририят ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар баъзи ҳолларда бажарилмаётганлиги, айрим тахририятларнинг моддий-техника базасини яхшилашга етарли эътибор берилмаётганлиги босма нашрларнинг иқтисодий ҳолатига, ўз навбатида, журналистлар меҳнатини рағбатлантиришга маълум маънода салбий таъсир этаяётгани таъкидланди. Муҳокама чоғида иштирокчилар оммавий ахборот воситалари жумладан, миллий матбуотимизнинг сифатини, таъсирчанлигини ошириш,



уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтаришда соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурилиги давр талаби эканлигини эътироф этдилар.

Шу каби турли фикр-мулоҳазалар, баҳс-мунозаралар асосида ўтган йиғилишда назорат-таҳлил жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Қўрилган масала юзасида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шўхрат Дехқоновга мурожаат қилганимизда депутат партия нуктаи назаридан келиб чиқиб, жумладан, шундай фикр билдирди:

— Мамлакат миқёсида ҳам, халқаро майдонда ҳам барча соҳаларда амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этишда асосий эътибор, энг аввало, мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи жоиз. Бунинг учун эса соҳага оид қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, журналистлар ва ижодий-техник ходимларнинг маҳоратларини мунтазам равишда ошириб бориш, уларнинг ихтисослашувига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун юртимизга жадал кириб келаётган ахборот оқимлари ичида халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарига мутлақо зид бўлган, ўзлигимиздан мосуво этишга қаратилган «оммавий маданият» кўринишидаги гоёвий хуружларга қарши миллий мафкурамизни кенг тарғиб этиш, миллий гоёмизни фуқароларимиз онига чуқур сингдириш йўлида оммавий ахборот воситалари фаол ва самарали сазй-ҳаракат олиб боришлари даркор. Бунинг учун миллий журналистика мактабини шакллантириш, устоз-шоғирд анъаналарини тиклашнинг ҳуқуқий механизминини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Гулбахор УМУРЗОҚОВА

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

АНЪАНА

«Баркамол авлод — обод Ватан келажаги»

минтақавий ёшлар форуми Қорақалпоғистонда бўлиб ўтди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўз олдига қўйган муҳим вазифаларидан бири ҳам келажагимиз соҳиблари бўлиши ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндашиш, айниқса, уларни турли ёт мафқуралардан асраш, улар қалбига фидойилик ва ватанпарварлик, миллий истиклол ғоясига содиқлик каби хис-туйғуларни чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратишдир.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Нукус шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод — обод Ватан келажаги» шiori остидаги минтақавий форум ҳам ёшлар қалбига сўнмас из қолдирди. Партиянинг асосий мақсадларини акс эттирувчи шiorлар билан безатилган Бераҳмат номидаги Қорақалпоқ Давлат университети маданий саройида тадбирга йиғилган юзлаб йигит-қизларни, улар орасида эса ЎзМТДП шаҳар ва туман ташкилотлари фаоллари, «Ёшлар қаноти» аъзолари, Хоразм вилоятидан ташриф буюрган ёшлардан тортиб, партиянинг электорати ҳисобланмиш зиёлилар хунармандларни ҳам учратиш мумкин.

Дастлаб, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реймов анжуман иштирокчиларини қўлаб, партиянинг баркамол авлод тарбияси масаласи билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни ҳамда фаолиятга тўхталди:

- Партияимизнинг Дастурида мамлакатимизда Давлатимиз раҳ-



бари раҳнамолигида ёшларимизни комил шахс қилиб камолга етказиш борасида амалга ошириладиган барча эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш, уларни янада ривожлантириш, миллий бойлигимиз саналган урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимизни тиклаб, улуг аждодларимизнинг бой меросини халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига чуқур сингдириш, улар қалбига халқимиз ўтмиши ва келажагидан ғурурланиш туйғусини мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб белгиланган, - деди жумладан у. - Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида олиб бораётган фаолиятимизда асосий эътиборни, энг аввало, маҳалла ва қишлоқ ёшлари билан ишлашга, ёшлар ўртасида ўтказилган тадбирларни сифат жиҳатдан янада такомиллаштиришга қаратайлиқ. Партия таркибига «Ёшлар қаноти» бўғини эса бу эзгу ишларимизга чин маънода мустаҳкам қанот бўлмоқда.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Ёшлар қаноти» атрофида бирлашган аъзоларимиз республиканинг интилувчан, истеъдодли, демократик жараёнларда фаол қатнашаётган ёшлар қатлами ташкил этади. Партияимиз ёшлар масаласида фақат амалий ишларга эътибор қаратаётгани туфайли, сафимизда ёшлар салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Анжуманда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Улуғбек Жалмонов, ЎзМТДП МК ИК девони Ёшлар масалалари бўлими етакчи мутахассиси Ҳамдам Ниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Зура Ибрагимова, Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаса бошлиги Айзада Нуримбетова сўзга чиқиб, бугунги ёшларнинг ғайрат-

шижоати, интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти жонажон Ватанимиз истиқболига пойдевор бўлиши, айни ҳоғда ёш авлод манфаатлари йўлида олиб бориладиган ислохотлар, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ҳамда ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган ноанъанавий, таъсирчан тадбирлар демократик жамиятни барпо этишда ёшларнинг ролини янада оширишга, шунингдек, уларни она-Ватан, миллий ғоя, миллий қадрият ва анъаналар, аждодларимиз меросига юксак ҳурмат руҳида ўстиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Қорақалпоғистонлик ёш тадбиркорлар ва қўлигул усталар томонидан яратилган миллий хунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослар намоиши форумга ўзгача файз бағишлаши баробарида, ёшларда ҳавас уйғотди. Тадбир давомида ўз иқтидор ва салоҳияти билан юртимиз илм-фани, миллий санъат ва спортини

дунёга намоиш этаётган бир гуруҳ ёшлар ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди. Шундан сўнг, партия сафига кириш истағида бўлган бир гуруҳ ёшларга тантанали тарзда партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Форумда «Нихол» мукофотининг совриндорлари Максет Утемуратов, Файрат Бекчанов, Дилфуза Бекимбетова, Гулнара Мунтиева, Гулноз Утепова, Генжебой Султамуродов ижро этган шўх куй-қўшиқлар иштирокчиларга хуш кайфият улашди. Шубҳасиз, форум ўзаро яқинлик ҳамда дўстлик байрами тимсолида ёшлар ҳаётида ўчмас ва ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Тадбир давомида суҳбатга тортган иштирокчиларимизнинг барчаси учрашувдан катта таассурот олганлигини, партияга бўлган ишонч янада ошганлигини, шу боис келажақдаги фаолиятини партия билан боғлашини билдиришди:

Зебо ЭШЧАНОВА, Нукус ДПИ талабаси:

- Мамлакатимизда биз, ёшларга қўрсатиладиган катта эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдоримиз. Ва албатта, юртимиз келажаги йўлида бор куч ҳамда билимимизни аямай, эзгу ишларнинг муносиб давомчиси бўламиз. Мен бугун партияга аъзолик гувоҳномасини олганимдан хурсандман. Бу мен учун катта ишонч деб биламан. Мақсадим партия сунъадиған ёшлар қаторида бўлиш билан бирга, унинг ғояларини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш ва юртимизнинг порлоқ келажаги учун кўпроқ фойда келтиришдир.

Сурайё АИТОВА, Эллиққалъа санъат ва педагогика коллежи актёрлик маҳорати ўқитувчиси:

- Истиклол туфайли мамлакатимизда ёшларга кенг имкониятлар очилди. Бу йил айниқса, мен учун бахтли йил бўлди, деб ҳисоблайман. Боиси ЎзМТДП томонидан яқинда ўтказилган «Донлиқ ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» кўрик танловининг республика босқинида учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдим. Мана бугун ҳам «Ёшлар форуми»да иштирок этаяпман ва ишончим комилки, бу каби тадбирлар ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини юксалтиришга ҳамда партия «Ёшлар қаноти»да сиёсий етук ёшлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Дина ТОЛЕГЕНОВА, ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши

«Ёшлар қаноти» етакчиси:

- Ташкилотимизнинг асосий вазифаси ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва шу орқали жамият ҳаётига ижобий таъсир қўрсатиш, партияимиз мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишдан иборатдир. Бугунги форум ҳам «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, ташкилотимиз иш режасидаги навбатдаги йирик тадбирлардан бири эди. Мақсадимиз эса «аниқ, онгу шуурда ўз юртига» дахдорлик туйғуси бор, эл-юрт дарди билан яшашни ҳаёт аъмоли, деб биладиган йигит-қизларни бир мақсад йўлида бирлаштиришдир.

Нурмуҳаммед САПАЕВ, ЎзМТДП Хўжайли туман кенгаши

Ижроия қўмитаси раиси:

- Жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтириш жараёнида «Ёшлар қаноти»нинг ўрни ва роли кучайиб бормоқда. Мана бугунги ёшлар форуми ҳам ўзаро мулоқотларга бой, таассуротларга тўла, ўзига хос ноанъанавий тарзда ўтди. Демак, биз таъсирчан усуллардан кўпроқ фойдаланилган бундай йирик оммавий-маданий тадбирларни нафақат марказий шаҳар ёки туманларда, балки кўпроқ республикаимизнинг чекка ҳудудларида ташкил этиб боришимиз керак. Бошқача айтганда, ёшларимизни маънавий-руҳий дунёси бой, сиёсий жиҳатдан билимли ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, турли ёт ғоялар ва ташқи таҳдидлардан асрашда миллий истиклол ғояси, асрлар бўйи сайқал топиб келган аждодларимизнинг моддий-маънавий мероси, анъана ва қадриятларидан самарали фойдаланишда бор куч ва имкониятимиздан кенг фойдаланишимиз зарур.

Илья ДИЛЬМАНОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

гини билдирарди. Учунчи турдан кейинги натижа кўп нарсаси ойдин-кейин кiritди. Унга кўра Фаррух Хотамов сардорлиги остидаги «Femida» гуруҳи жами 12 балл билан турнирда учинчи ўринни эгаллашди аниқ бўлган бўлса, турнир қоида-сига кўра юқори натижа кўрсатган икки жамоа финал босқинида брей-ринг усулида баҳслашадиган бўлишди. «Nika» ҳамда «Закийлар» жамоаси финалда...

Кувонарлиси шуки, ушбу мусобақада клуб аъзоси, физика фани ўқитувчиси Нурбек Нарзуллаев томонидан ишланган, махсус қурилмадан фойдаланилди. Унинг ёрдамида турнирда брей-ринг баҳсларини ўтказиш мумкин, яъни электр-қурилма турмачини босиш орқали энг биринчи бўлиб жавоб топган жамоани аниқлашди. Чунки, финал босқинида жамоалардан нафақат тўғри жавоб бериш, балки тезкор ва аниқ ҳаракат қилиш ҳам талаб қилинган эди. Энди финалда ўйнайдиган икки жамоа билан бирга қолган иштирокчиларда ҳам бироз ҳаяжон сезилди. Мурасасиз ва қизгин баҳслардан сўнг Шохрух Маҳмудов сардорлигидаги «Nika» жамоаси турнир ғолиби бўлди. Турнир сўнггида халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати А.Чўлиев, турнирга ҳомилий қилган «Ўздун-робита» хорижий компаниясининг Бухоро филиали масъул ходими Л.Музаффарова ҳамда «Миллий тикланиш» интеллектуал ёшлар жамоаси сардори М.Шароповлар иштирокчиларни табриқлади. Ғолиб ва совриндорларга ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан дипломи ва китоблар тўпламлари, шунингдек, ҳомиёларнинг совғалари топширилди.

Шароф РАХИМОВ, ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

ТУРНИР

2010 йил – «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридаги вазифаларни рўёбга чиқариш, ёшларнинг билимга бўлган қизиқишини қўлаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши ҳузурида йил бошидан буён «Заковат» интеллектуал ёшлар клуби фаолият олиб бормоқда.

«Заковат»

интеллектуал ёшлар клуби партия сафига билимдонларни чорламоқда

Ўтган давр ичида партия шаҳар кенгаши томонидан бу борада олиб борилган ишлар самараси ўлароқ Республика «Заковат» клуби томонидан анъанавий тарзда ўтказиладиган фестивалда иштирок этган шаҳар жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Эътиборлиси шуки, бу натижа билан, яъни биргина жамоа билан чегараланиб қолмаган клуб ўтган вақт мобайнида ўз атрофида бир неча ўнлаб ёшларни бирлаштириди. Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот-таҳлил маркази залида ўқув-тайёргарлик машқлари қўрилишида норасмий турнирлар ташкил этиб боришмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Заковат» интеллектуал клуби томонидан «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар ижтимоий хизматлар марказида шаҳар очик турнири ўтказилди.

Унда «Nika», «Омадли жентельменлар», «Закийлар», «Femida», «Blek-start», «Ваук» жамоалари иштирок этишди.

Турнирни ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, клуб раҳбари Ботир Норбоев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, клуб аъзоларида Абдор Жўраев, Анвар Нейматов ва Мақсуд Шароповлар жамоаларни турнирни ўтказиш тартиби билан таништиришди.

Уч турдан иборат бўлган турнир саволлари бирин-кетин берили бошлади. Айрим жамоалар дастлаб ҳаяжонларини босиб олишолмаган бўлишса-да, аста-секин ўйин кескин тус ола бошлади. Бунда дастлабки йигирмата савол, ёки икки тур якунига кўра вужудга келган ҳолатдан ҳам кўриш қийин эмас: «Nika» - 11, «Закийлар» - 11, «Омадли жентельменлар» - 9, «Blek-start» - 8, «Ваук» ва «Femida» - 7 балл. Ушбу натижа кейинги ўнла савол олдидан ҳеч кимнинг мутлақ ғолибликка ягона даъвогар эмас эканли-

ЎЗМТДП ХРОНИКАСИ

Тадбирлар мавзуси

долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этди

АНДИЖОН.

Яқинда ЎзМТДП Бўз туман кенгаши томонидан «Туманимизни обод масканга айлантирайлик» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман кенгаши, бошланғич ташкилотлари фаоллари қатнашди. Йиғилишда сўз олган ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Амомов туманда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, кенг қўламадаги ободлантириш, замонавий уй-жойлар қуриш ишлари ҳақида гапирар экан, бу борадаги амалий ишларга Андижонга ташриф буюрган давлатимиз раҳбари ҳам юқори баҳо берганлигини алоҳида таъкидлади. Тадбирда партия туман кенгашининг бу борадаги ишларга қўшаётган амалий ҳиссаси таҳлил қилиниб, келгусида уларни кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

СИРДАРЁ.

«Соғлом турмуш тарзи саломатлик гарови» мавзусида ЎзМТДП Оқолтин туман кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати туман марказий шифохонаси ходимлари, партиянинг «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» фаоллари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари шунингдек, ОАВ вакиллари иштирокида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда баркамол авлодни камол топтиришга қаратилган амалий ишлар ва партия дастурида илгари сурилган вазифалар ҳусусида гапирдилар.

«Гийёҳандлик ва ОИТС аср вабоси» мавзусидаги тадбир ЎзМТДП Янгйер шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилди. Тадбирда қатнашган халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари, шаҳар прокуратураси ва шаҳар ИИБ ходимлари гийёҳандликнинг жамият, хусусан, ёшлар ҳаётига салбий таъсири ҳақида тўхталдилар. Маъмур иллатга қарши курашиш, ёшлар орасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш борасида мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Худди шундай тадбир ЎзМТДП Сардоба туман кенгаши томонидан ҳам ўтказилди. Унда партия фаоллари, ўқитувчилар, ҚВП ходимлари иштирок этдилар.

ЎзМТДП Ширин шаҳар кенгаши томонидан «Ўзбекистон ягона Ватан» қўшиқлар фестивали ўтказилди. Унда партия фаоллари, шаҳар ҳокимлиги, туман маданият уйи ходимлари ва ёшлар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Улуғбек Норматов Ватан ҳақида қуйланган ҳар бир қўшиқ инсонни ўзи туғилган она-юртига нисбатан меҳр-муҳаббатли, садоқатли қилиб тарбиялашда ўзига хос ўрин тутишини таъкидлади. Тадбирда ёш истеъдодлар томонидан қуйланган она-юртин мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

СУРХОНДАРЁ.

ЎзМТДП Сарийосиё туман кенгаши томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси, «Махалла» хайрия жамғармаси туман бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши ҳамкорлигида Алишер Навоий МФЙда «Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод тарбияси» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Н.Юлдошева очди. Шундан сўнг, ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси У.Адонов сўзга чиқиб, мамлакатимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшадиган баркамол авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан оналарга боғлиқлигини айтиб, бу борадаги ишларга махалла ҳам бирдек масъул эканлигини таъкидлади.

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши томонидан вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Ёш сайёҳлар» клубида «Марказий Осиё минтақаси: тинчлик ва барқарорликни таъминлаш шартлари» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда «Ёш сайёҳлар» клуби бошлиғи Б.Рамзонаев, Амир Темур хайрия жамғармаси бош мутахассиси З.Ғойипов ва партия фаоллари сўзга чиқдилар.

Жумладан, ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Мадиев мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди.

- Юрт тинчлиги бизга берилган бебаҳо неъматдир. Шундай экан, унинг қадрига етишимиз керак. Минтақада содир бўлаётган вазиятлар эса, биздан атрофга теран назар билан қарашимизни талаб қилади.

Ғазилат СИДДИҚОВА

ЎЗМТДП ҲАЁТИ

ТАҲЛИЛ ВА ТАШАББУС

ЎзМТДП Яккасарой туман кенгаши «Ёшлар қаноти»нинг II конференцияси бўлиб ўтди

Дастлаб, «Ёшлар қаноти» томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди. Шунингдек, конференцияда «Ёшлар қаноти» етакчисини сайлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида мазкур бўғин томонидан амалга ошириладиган ишлар сифатини ошириш, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» конференциясига делегатлар сайлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Шу боис, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. ЎзМТДП ҳам ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида, жойларда бир қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Натижада, партияимиз сафи йил сайин фаол, ташаббускор йигит-қизлар ҳисобига кенгайиб бормоқда, - деди сўзга чиққан ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Умирова.

ЎзМТДП Яккасарой туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ш.Жумакулов тадбирни олиб борар экан, қуйидаги фикрларни

айтиб ўтди:

- Биз партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, тадбирлар орқали ёшларимизда миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат туйғусини кучайтириш, уларни аждодларимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаёلمиз. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳам «Ёшлар қаноти» ўз олдиға аниқ мақсад ва вазифаларни белгиланган. Йиллик режаға асосан турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари уюштирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ партияимизга аъзо бўлиш истагини билдираётган хайрихоҳ ёшлар сони кўпаймоқда.

Тадбир сўнггида ютуқлар билан бирликлда мавжуд камчиликлар ҳам иштирокчилар эътиборидан четда қолмади. Конференцияда сўз олганлар ечимини кутаётган масалалар ҳақида гапирдилар. Партия туман кенгаши фаоллари томонидан «Ёшлар қаноти» етакчиларига ёшлар билан иш олиб боришнинг янги ноанъанавий усул ва услублари, уларни қўллаш механизмлари ҳусусида керакли тавсиялар берилди.

Умурзоқ ХАМДАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, ҳақиқатан ҳам юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз буларнинг барчасининг асосчиси ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаши бежиз эмас.

Хар сафар мамлакатимиз раҳбарининг улкан қурилиш майдонларида бўлиши билан боғлиқ лавҳаларни телевидение орқали кузатар эканмиз, бу Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Қарши, Шахрисабз, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ва бошқа бетакорор шаҳарларимизни обод этиш бўладини, Миллий бог, Мустақиллик майдони, Ёшлар ижод са-

ошириш механизмлари ҳам изчил равишда шакллантирилди. Бунда қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш асосида фаолият олиб борадиган, юртимизнинг ҳар бир минтақасида ўз бўлимига эга бўлган «Қишлоқ қурилиш инвести» инжиниринг компанияси ташкил этилгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Албатта, қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, уларнинг кўркига кўрк қўиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шaroитини яхшилаш йўлидаги бундай ишлар учун аввало маблаг керак. Бунинг учун эса қулоқ мударатли имтиёзли кредитлаш тизимини йўлга қўиш лозим. Шу мақсадда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарори асосида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки

Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, ҳақиқатан ҳам юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз буларнинг барчасининг асосчиси ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаши бежиз эмас.

иморат қурмоқчи бўлган одам жуда кўп сарсонгарчиликни бошидан кечирарди. Аввало, ер участкаси ажратиш, кейин эса қурилишга рухсат олиш учун ҳафталаб, ойлаб турли кабинетлар эшигида сарғайишга, баъзан қимларгадир «қуруғи»ни чўзишга ҳам тўғри келарди. Шундан сўнг қурувчи ва усталар топиш, уларнинг иш ҳақини топиб бериш, ойлаб боқиш... Бу ёқда эса гоҳ цемент, гоҳ қум, гоҳ ёғоч-тахта, гишт ва шифер, гоҳ эшик-дереаза, бўёқ ва пардозлаш материалларидан тор-

залари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида бу муҳим масала Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишларда шу ишга бевосита алоқадор мутахассис ва раҳбарлар, архитекторлар, лойиҳачи ва қурувчилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг мутасаддилари иштирокида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиқлаб таҳлил қилинди. Жумладан, Юртбо-

вий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этиш зарурлигига алоҳида урғу берди.

Нега деганда, бундай уйларга эга бўлиш учун инсон йиллар давомида пешона тери билан тўплаган пулини сарфлайди. Энг муҳими, бу хонадонларда яхши ният билан неча ўн йиллар давомида бола-чақаси билан эмин-эркин ҳаёт кечиришни, уни келгуси авлодига мерос қилиб қолдиришни орзу қилади. Одамларнинг ана

НУҚТАИ НАЗАР

Жой номлари халқчил бўлса

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Биз яқинда республика марказий матбуотида ва «Фаргона ҳақиқати» газетасида шу мавзудаги мақолаларга кўзимиз тушиб, уларни ҳамкасбларимиз билан муҳокама қилдик. Ушбу мақолани ёзишга ҳам шу муҳокама туртки бўлди. Бу ўринда мақола муаллифлари кўтарган мавзу айти мудоао эканлигини таъкидлаган ҳолда, Охунбобоев тумани номини қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ҳўш, ушбу туманга қандай ном бериш мумкин? Дарвоқе, мақолаларда ҳам бир неча тарихий жой номлари таклиф тариқасида ўртага ташланган.

Туман ўзининг тарихий ўтмиши билан қўллаб тадқиқотчиларни қизиқтириб келмоқда. Туманининг Марказий Фарғонага туташ ерларидан (Қайрағоч, Қизилтепа) неолит даврига оид (эр.ав. VI-V минг йиллик) бир неча тош қурол парчалари топишган (1957 й.). Бу топишмалар объектларга топономик ном беришда у қадар катта рол ўйнамасда-да, тумандаги археологик ёдгорликлар бу жиҳатдан ёрдам бериши мумкин. Ҳозирги кунда туман ҳудудида давлат муҳофазасига олинган 9 та археологик ёдгорлик сақланиб қолган. Булар Қўзлар мазор, Мозортепа, Шоҳмирозтепа, Шаҳартепа, Гулчаман, Писак, Лангар, Оқтепа ҳамда Сополтепа.

Мазкур ёдгорликларнинг барчаси эраимиз бошларида вужудга келиб, асосан эраимизнинг V-VIII асрларига қадар гуллаб – яшанган. Ҳар бир ёдгорлик ўзига хос аҳамият касб этса-да, улар орасида **Писак** ёдгорлиги алоҳида ажралиб туради. XIX аср охиридаги тарихий маълумотларга кўра, мазкур шаҳристонга яқин атрофдаги аҳоли йиғилиб, араб қўшинларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. Ҳар бир қабила ўз байроғи (туғи)га эга бўлганлиги учун араблар уни маълум бир вилоятнинг маркази сифатида қабул қилишган ва ўз асарларида **Уштикон** шаҳри сифатида акс эттиришган. Узоқ йиллик ўрганишлардан кейин бу шаҳар олимлар томонидан Писак шаҳристони эканлиги таъкидланган. Шаҳар арабларга таслим бўлмаган, уни вайрон этишган (VIII аср). Ҳақиқатдан ҳам бу ёдгорлик араблар томонидан бузиб юборилганлигини олимлар тасдиқлашади.

Писакнинг иккинчи умри X-XII асрларга тўғри келиб, бу даврда у доимо Марғилон билан рақобатлашган. Бироқ энди у шаҳар эмас, йирик бир қишлоқ сифатида мавжуд бўлган. Мўғуллар босқини оқибатида бу қишлоқ бутунлай йўқ қилиб юборилган.

Қўзлар мазор ва **Шаҳартепа** ёдгорликлари Марғилон шаҳрининг асос солинган даврини белгилашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Таниқли археологлар А.Анобобоев ва Ф.Махсудовнинг фикрича, айнан шу йкки ёдгорлик замирида Марғилон шаҳри вужудга келган ва кейинчалик жанубий-шарқ томонга кенгай борган.

Оқтепа ҳамда **Сополтепа** номи билан мамлакатимиз ҳудудида ўнлаб ёдгорликларни учратиш мумкин. Бу номлар ҳам халқ тилидан олинган бўлиб, унга тепаликнинг кўриниши ва бу ерда қўллаб сопол парчаларининг учраши сабабдир.

Мозортепа, Шоҳмирозтепа, Гулчаман ҳамда **Лангар** ёдгорликлари эса, ўз даврига оид материаллар билан тадқиқотчиларни ўзига тортиш табиий, албатта. Улар ўзи жойлашган қишлоқлар учунгина эмас, балки бутун бир воҳа учун муҳим аҳамият касб этувчи ёдгорликлардир ва уларнинг ҳар бири йирик ҳудудий бирлик номи бўлишга ҳақли ҳисобланади.

Бу ҳолатларни ўрганиб чиқар эканмиз, беихтиёр бир фикр туғилади. Бизнингча, айтиб ўтилган ушбу омиларни ҳамда сақланиб қолган археологик ёдгорликларнинг кўпчилигини инobatга олиб, қолаверса, деярли барча ёдгорлик номида «тепа» қўшимчаси борлиги мазкур туманни умумий бир ном билан **Мингтепа, Қирқтепа, Унтепа** ёки **Қўштепа** каби номлардан бири билан аташ ҳам ўринлидир.

Булар аслида, айрим мулоҳазалар, холос. Муштарийларимиз, кўпни кўрган кексаларимиз, тадқиқотчи олимлар бу мулоҳазаларга қўшмалдиарим, йўқми, бизга қоронғу. Лекин маъмурий ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва номларни ўзгартриш масалалари билан шугулланувчи мутасадди вакиллар ушбу мулоҳазаларга эътибор қаратишса, яхши бўларди, деб ўйлаймиз.

Б.ҲОШИМОВ,
Фарғона вилоят ўлкашунослик
музейи директори
Г.ИВАНОВ,
Музей тарихи бўлими бошлиғи,
тарих фанлари номзоиди

ТАҚДИМОТ

Ёш мутахассислар эътиборда

Гулистон шаҳрида «Ёш мутахассисларнинг электрон тақдмоти» кўрик-танлови ўтказилди

Ёшларга чуқур билим беришда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш ўқитувчи-мураббийлар олдидаги долзарб вазифалардандир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида бу борада аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу кўрик-танлов ҳам ёш мутахассис кадрларнинг ушбу йўналишдаги билим ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Ёш мутахассисларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва дарс жараёнида уларни кенг қўллашда методик ёрдам бериш, илгор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қиладиган мазкур танловда эллик нафарга яқин ёш ўқитувчи ўзининг электрон тақдмотларини намойиш этди.

Танлов якунида Сайхунобод туманидаги 35-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси К.Тожибоев биринчи ўринни эгаллади. Янгйер шаҳридаги 4-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Н.Уролова, Сардоба туманидаги 18-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси И.Боликулова кейинги ўринларга сазовор бўлди.

(ЎЗА)

Қурилиш лойиҳадан бошланади

ройи, Тасвирий санъат галереяси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи сингари мухташам кошоналарни бунёд қилиш бўладини, Ҳазрати Имом, Регистон, Шоҳизинда, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд қадам-жоларини (бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин)

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном олган 2009 йилда «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу гоияни ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.

тубдан таъмирлаб, қайтадан муқаддас зиёратгоҳларга айлантириш бўладини, ҳар қайси ана шундай муаззам мажмуа ёки майдон, иншоот ёки иморатларнинг лойиҳасини ва қурилиш бўлинича қурилишнинг жуда чуқур ўйланган ва ҳар томонлама асосланган амалий фикрлар билдирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном олган 2009 йилда «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу гоияни ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.

Мазкур дастурга биноан аввало қишлоқда яшайдиган аҳолининг тақдир ва келажакни ўйлаб, қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда ўтган қисқа вақт ичида қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу негизда қишлоқларимиз киёфасини тубдан ўзгартриш мақсадида «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилди ва мазкур институт томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган кўп хонали уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда ва кейинчалик вилоят марказларида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилди ва тегишли муҳокамалардан ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда бу лойиҳаларни амалга

ташкил этилди ва ҳозирги вақтда у муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мана шундай режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар ва ижтимоий объектлар қуриш-

тиб, арзимасдай туюладиган оддий миҳни ҳам қидириб топиш, топганда ҳам албатта устама ҳақини бериш ва бу ашёларни қурилиш жойига ташиб келтириш учун транспорт харажатларини кўтариш... Тинкани қуритадиган бундай оворагарчиликлар ҳақида узоқ гапирish мумкин.

Маълумки, қишлоқ қиёфасини янгилашда бундай борадаги ахвол-тубдан ўзгармоқда. Янги уй-жойли бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оилалар уй қурилишида фақат ўз маблагини билан иштирок этади. Яъни, дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва бундан буюёига қурилиш жараёнини назорат қилиб боради, холос. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қолпанади. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданги эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Юқорида зикр этилган барча йўналишлар албатта ўта муҳим аҳамиятга эга, лекин, ҳамма нарса аввало режадан бошланади, қурилишда эса жамики асосий

Замон талаби, одамларнинг эҳтиёжи асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада такомиллаштириб борилиши табиий ҳол, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, неварачевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

омиллар орасида ҳал қилувчи ўрин тутадигани бу – лойиҳа эканини тушуниш қийин эмас.

Президентимиз Ислон Каримов шу йил июнь ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига таширфи давомида жойларда қурилган ана шундай дастлабки уй-жойларни кўздан кечириб, юрдошларимиз билан мулоқотда бўлди. Ана шу учрашувларнинг бирида андижонлик янги хонадон сохибаси Асалхон Расуллова ўзининг миннатдорлик туйғусини ифода этиб: «Бундай уйлар ҳар бир қишлоқ аёлининг орзуси эди», дея таъкидлади.

Фарғона вилоятида эса янги уй қалитини эндигина қўлга олган кекса қурувчи Нишонбой отанинг: «Очигини айтсам, шаҳар уйларидан асло қолишмайдиган бундай ҳовли-жойларни тушимизда ҳам кўрмаганмиз», деган сўзлари кўпчилик қишлоқ аҳолининг дилидаги гап, десак, хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, Нишонбой ота Бобораҳимов шу суҳбатда айтганидек, илгари бундай

Қисқа қилиб айтганда, уй қуриш таъвиши бошига тушган одам бу муаммоларни миридан-сиригача яхши тасаввур қилади.

Бугунги кунда бу борадаги ахвол-тубдан ўзгармоқда. Янги уй-жойли бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оилалар уй қурилишида фақат ўз маблагини билан иштирок этади. Яъни, дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва бундан буюёига қурилиш жараёнини назорат қилиб боради, холос. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қолпанади. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданги эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Замон талаби, одамларнинг эҳтиёжи асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада такомиллаштириб борилиши табиий ҳол, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, неварачевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Бундай ҳолат ҳаммамизни хурсанд қилади, кўнглимизни кўтарди, албатта. Айни чоғда, ҳар қандай ишни такомиллаштиришнинг чегараси йўқ, деганларидек, бу борада мавжуд бўлган айрим камчиликларни бартараф этиш,

давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда, қилган ишларимиз билан мақтаниш, қўлга қўлиш билан чекланиб қолмасдан, буларнинг барчасига танқидий кўз билан қарашимиз даркор. Аҳоли учун бундан ҳам қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳаётимиз сифатини изчил юксалтириш йўлида яна нималар қилиш керак, деган саволни доимо олдимизга қўйиб яшашимиз зарур.

Президентимиз Фарғона вилоятида бўлган чоғида янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашиб, экспериментал тарзда қурилган бу уйларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш ўзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳа-

шимиз томонидан мавжуд лойиҳалар табиий омиллар – шамол йўналиши, қуёш нурунини тушиши каби муҳим иморатсозлик талабларини етарлича инobatга олмасдан режалаштирилгани, улар юртимиз ҳудудларининг ўзига хос маҳаллий анъаналари ва табиий иқлим шарoитини пухта ўрганмасдан тайёрлангани туфайли айрим хоналар бир-бирига нисбатан ноқулай жойлаштирилгани, шифти бироз паст, болалар хонаси, меҳмонхона, дахлиз ва зиналар, ваннахоналар тор бўлиб қолганига эътибор қаратилди.

Ёки яна бир мисол: уйга келган ҳар қайси меҳмоннинг авваламбор устки кийим-бошини ечиши, қўлини ювиб, меҳмонхонага кириши учун шарoит йўқлиги, бир қарашда майда бўлиб қўрилган бундай масалаларга лойиҳада олдиндан эътибор берилмагани яққол кўзга ташланади.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун лойиҳаларга тегишли ўзгартришлар киритиш, хусусан, юқорида зикр этилган хоналарни кенгайтириш, деворлар баландлигини қўшимча 20 сантиметрга кўтариш, ошхона ва айвонни ёнма-ён жойлаштириш ва улардан меҳмонхонага бемалол ўтлайдиган йўлак қилиш каби қўллаб масалалар бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, дарвозахонада ҳар қайси хонадоннинг шахсий енгил машинаси учун махсус жой қилиш, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қурилган сув иси-

тиш – қозонхона қурилмасини ҳовлининг четиға қўчириш тавсия қилинди. Маълумки, ота-боболарини эз азалдан иморат қурилишида қатъий тартиб-режага амал қилишган, меъмор ва усталаримиз етти ўлчаб бир кесшим, деб таъкидлади Юртбошимиз муҳокама жараёнида. Хусусан, уйдаги дам оладиган, ухлайдиган хоналарнинг кўздан пана бўлишига алоҳида аҳамият беришган. Оиладаги аёлларнинг рўзғор юмушлари билан шугулланиши, чақалоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши учун, кексалар ва болалар учун ҳам ўзига хос қулайлик яратишга интилишган.

Лойиҳалар муҳокамасида сирдан қараганда арзимасдек туюладиган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай масалалар ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз янги уй-жойларни шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шарoити, шу билан бирга, замона-

шундай ишончини унуттишга, уни оқламасликка бизнинг асло ҳаққимиз йўқ, деди Юртбошимиз.

Мана шундай узоқни кўзлайдиган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида биз қишлоқда турмуш маданиятини янги босқичга кўтаришимиз керак. Президент Ислон Каримов бу муҳим масалага бевосита дахлдор ва жавобгар бўлган барча мутахассис ва мутасаддилар олдиға ана шундай вазифани кескин қилиб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган муҳокамалар якуни бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ амалий ишлар бошлаб юборилди. Аввало, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ хусусий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгариш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига бундан буюб 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги уйларнинг янада кўркам қиёфа ва қулай шарoитга эга бўлиши учун қўшимча имкониятлар туғдириб бериши шубҳасиз.

Замон талаби, одамларнинг эҳтиёжи асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада такомиллаштириб борилиши табиий ҳол, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, неварачевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Барчамиз кўч марта гувоҳ бўлганимиздек, Президентимизнинг ибратли бир одати бор: у киши қаерга борма-син, аввало оддий одамлар билан учрашади, уларнинг қувончу ташвишлари, оилавий шарoити, муаммолари билан танишади. Доимо юртдошларимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада ошириш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун имкон яратишнинг янги-янги ва энг маъқул ечимларини топиш устида бoш қотиради.


Юртбошимизнинг Андижон ва Фарғона вилоятларида бунёд этилган замонавий уй-жойлар билан танишиш асосида чиқарган танқидий ҳулосалари, қабул қилган қарорлари ва шу асосда янгича ёндашув билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган ҳаётий гоияни амалда яққол намoён этиб турибди.

МАЪНАВИЯТ

ФЕСТИВАЛЬ

Қўқон анъанавий наққошлиги

ранглар жилоси, ўзига хос шакллари, бетакрор нақшлари билан ажралиб туради



Мамлакатимизда истиқлол туфайли қадимий тарихимиз қайта тикланиб, улуг аждодларимиз қолдирган маданий мерослар кенг тадқиқ этилмоқда. Юртбошимиз Ислоом Каримов томонидан 2012 йилда Қўқоннинг 2000 йиллик қутлуг тўйини нишонлаш ҳақидаги қарори эълон қилинган, шаҳарда мазкур юбилейга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Хозир шаҳар кўкаламзорлаштирилиб, маҳалла ва гузарлар обод қилинмоқда. Айниқса, ўзига хос қадриятлари билан шухрат қозongan Қўқон анъанавий наққошлик мактаби жадаллик билан ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қадимдан Қўқон шаҳрида наққошликнинг хилма-хил кўриниш ва услублари яратилган. Натижада XIX асрга келиб Фарғона ва Тошкент ҳудудларида ҳам Қўқон наққошлик мактабининг намуналари ривожланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган тасвирий санъатга оид илмий адабиётларда «Фарғона-Тошкент меъморчилик мактаби», «Фарғона-Тошкент меъморий нақшлар мактаби» атамалари вуҷудга келди. Умумий хусусиятлар ва яқин алоқалар самараси ўларок, «Тошкент» ва «Қўқон» наққошлик санъати марказларининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, тошкентлик наққош А.Қосимжонов ва қўқонлик сирчи (Қўқонда наққошни шундай деб аташди) С.Махмудов ижодини таққослаб кўрайлик. Ушбу рассомларнинг бетакрор нақшлари XIX ва XX асрлар нақш санъатлари бир-бирига боғлиқ ҳолда тақомиллашиб, ягона услуб, мумтоз меросга эришилганидан далолат беради. Уларнинг ижодини кўздан кечириб эканмиз, Қўқон наққошлик мактабидagi ўзига хос жиҳатлар кўзга яққол ташланади: Қўқон нақшлари шаклининг йириклиги, бўёқларининг ёрқин ва

нафислиги, иссиқ ва совуқ рангларнинг бир-бирига зид олинishi билан қутилмаган уйғунлик касб этади.

Тошкент наққошлари эса хона шифтидаги вассаларга ўсимликсимон нақшлар ишлашни маромига етказишади. Европа маданияти таъсири ҳам қўқонлик наққошлар ижодида бироз таъсир қўрсатган. Чунончи, қўқонлик машхур-рассом-наққош Саидулар Маҳмамов наққошликка манзара ва натюрморти олиб кирган, қиёфалар иштирокида маҳобатли ранг тасвири (Бешарик чойхонаси) ҳам нақш билан биргаликда қўллаган. Бу янгилик ва замонавийликка интилишнинг ёрқин кўринишидир.

Қўқон нақшлари ранглар палитрасининг оч тус олиши ва пастел тусларига айланишида тошкентлик усталарнинг ҳиссаси катта бўлган. Пойтахтлик наққош В.Раупов ёрқин ранглар ўрнини хира туслар эгаллаши ҳақида сўз юритиб, республикаимизнинг барча ҳудудларида хона шифти нафис рангларда ишлатиши ҳам Тошкент услуби натижасидир, дейди. Ҳар икки шаҳар усталар томонидан безатилган пахта заводи, ёғ-мой комбинати ва Қўқондаги бошқа объектлар нақшлари ҳам Тошкент услубидадир.

XX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ва Қўқон нақшларида бошқача ўзгаришлар пайдо бўлган. Бунда нақшларни бўяш ёки турли штрих чизиқлар ишлатиш русум бўлди. Мавзулардаги бундай штрихлар, ҳажмли шаклларнинг кириб келиши Европача чизмалар услубларини қўллаш билан боғлиқ ҳолда кенди. Таъкидлаш лозимки, бундай янгича йўналишлар анъанавий санъат усталарининг Европа академик чизма тасвирлари кўринишга олиб келди. Анъанавий санъат турларининг баъзи тарафдорлари бундай «аралаш-

ма»га қарши чиқса-да, бу миллий бадий маданият турларига маълум даражада таъсир этди.

Қўқон нақшларида ранг, шакл ва ритми ҳис этган энг сара намуналар сақланган. Шаҳарнинг Чорсу мавзесидаги қатор эски бинолар, Фиштқўприк маҳалласидаги масжид ва мадраса, Муқимий номли бог ичидаги бир неча ошхоналарнинг шифти қисмлари ўзига хос Қўқон наққошлик услубида безатилган. Албатта, шаҳар марказидаги Худойрхон саройи ўрдасининг устунлари, шифтлари, дарвоза, эшик ва деразаларида қўқонлик наққошларга хос нақш услублари сирларини томоша қилишингиз мумкин. Хозир хон ўрдаси, Муқимий номидаги бог ва қатор кўчалар қайта таъмирланмоқда.

Шундай қилиб, Тошкент ва Қўқон нақшлари турли таъсирлар жараёнида шаклланиб, ўзининг ранглар жилоси ва нақшлар тузилиши билан ажралиб турувчи ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ўз даврида Тошкент меъморий нақш санъати юксалишига қўқонлик рассом-наққошлар муносиб улуш қўшдилар. XX асрнинг иккинчи ярмидан замонавий тасвир ва мавзулар таъсирида бўлган Тошкент мактабининг мавқеи ҳам ошди.

Ушбу мактабларнинг ўзаро алоқалари фаол кечганига қарама-қарс, бир қатор наққошлар саъй-ҳаракати билан Тошкент ва Қўқон мактабларининг ҳар бири ўзлиги ва ўз дастхатини сақлаб қолган. Қўқон шаҳри, албатта, 2000 йиллик қутлуг тўйига ажойиб гўзал қиёфага кириши шубҳасиз. Шунда қўқонлик наққошларнинг ўзига хос санъат намуналарини янги-ча услубда кўрамиз.

Ёқутхон ҚУЛМАТОВА,
Фарғона Давлат университети Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаси

ТАНЛОВ

Ватан мадҳи қўшиқларда

Ёш авлод қалбида юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, она диёр тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадий мукамал қўшиқлар яратилишини рағбатлантириш мақсадида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг ўтказилиши анъанага айланиб улгурди.

Қолаверса, мазкур танлов халқимиз орасидан етишиб чиқаётган истеъодли ёшларга маҳоратларини тўла намён этишлари учун имконият яратиб бераётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур танловнинг Бухоро вилоят босқичи ҳам кўтаринки ўтди. Унда қуйи босқичларда сараланган 22 ижрочи ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Кўрик-танловда бастакор, шоир, ижрочи ҳамкорлигида яратилган энг сара асарлар томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда сўз олганлар иштирокчиларнинг репертуар танлашда талабчанлик ва масъулият билан ёндошганини алоҳида қайд этишди.

–Ушбу танлов она диёримизни улуғлаш, уни кўз қорачигидай асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, ватан мадҳини куйловчи қўшиқларни яратишни рағбатлантириш ва уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришга қаратилган, – дейди танлов голиби Жасур Жабборов. – Келгусида берилаётган ишончларни оқлаб, Ватаним, элу халқим учун хизмат қиламан.

Танлов ижодий рақобат муҳитида ўтди. Қўшиқ матни савияси ва мусика билан ҳамоханглиги, ижро маҳоратига кўра совриндорлар аниқланди. Унга кўра умидли ёш хонанда Г.Комилова ва Ж.Жабборов голибликни қўлга киритди.

“Туркистон-пресс”

ИФТИХОР

(Давоми.
Боши 1-бетда)

– Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан танишар эканман, бу йил мамлакатимиз учун қанчалик залворли келганини яна бир бора дилдан ҳис этдим,– деди механика-математика факультети профессори, академик, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Маҳмуд Салоҳиддинов. – Қарорда қайд этилганидек, биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намое-ни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурури-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиб қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу йил Ўзбекистон том маънода дунё аҳлининг эътиборида бўлди. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлардан бири – шу йил июнь ойида Тошкентда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг навбатдаги саммити бўлди. Бу нуфузли анжуманга таширф буюрган давлат раҳбарлари ўзаро ошқора суҳбатлари ҳамда уларнинг Ўзбекистон ички ва ташқи сиё-

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон эканлиги қанчалик беқиёс бахт эканини ён-атрофимизга қараб ҳам билсак бўлади. Тинчлик-осойишталик бор жойдагина орзулар ушалади, янги-янги замонавий иморатлар, таълим муассасалари ва бошқа иншоотлар бунёд этилади!

сатиға нисбатан билдирган фикрлари кенг жамоатчилигимизда катта қизиқиш уйғотди.

– Назаримда, ШХТнинг Тошкент саммити бу йил мамлакатимизда юз берган энг улкан сиёсий воқеалардан бири бўлиб, у истиқлол байрами шодибаналарига ҳам фазл бахшида этиб кетгандек,– дейди кимё факультети профессори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Раҳим Тиллаев. – Шу йил июнь ойида пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган ШХТнинг навбатдаги саммити бутун халқимизга кўтаринки руҳ бағишлади, десам муболага бўлмайди. Эътибор берган бўлсангиз, 2005-2006 йилларда ШХТнинг Банклараро бирлашмаси, Ишбилармонлар кенгаши ва Форуми ташкил қилинган эди. Банклараро бирлашма минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга хизмат қилади. Ишбилармонлар кенгаши энергетика, транспорт, телекоммуникация, банк-кредит сектори каби устувор йўналишлар билан бир қаторда, илм-фан, таълим ва инновациялар технологиялар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларга эътибор қаратиб, ўз фаолиятини ривожлантиришда. ШХТ Форуми доирасида ўтказилаётган анжуманларда ўзбек илм-фанида эришилаётган ютуқлар ҳам эътироф этилаётгани бизни илҳомлантиради. Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига барча олимлар ана шундай кўтаринки руҳ билан келаётганлари шу давр мобайнида эришилган ютуқларимиз самарасидир.

– Ҳаёт ўзи катта синовлардан иборат. Ўн тўққиз йилдирки, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ислохотларни дадиллик билан амалга ошириш асло осон кечаётгани йўқ,– дейди ўзбек филологияси факультети профессори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Абдуғафур Расулов. – Демокриманки, бугунги бахтли кунларга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Баъзи қўшни давлатлардаги нотинчликлар афсуски бизга ҳам муаммо туғдираётганидан асло кўз юма олмаймиз. ШХТнинг Тошкент саммитида Қирғизистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчилар Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдирдилар. Давлатимиз раҳбари бу муаммони ҳал этишда ҳуқуқий асосдаги ечимни топиш ва кескинлик ёйилиб кетишининг олдини олиш зарурлигини қайд этган эдилар. Бу ерда қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, тинчлик ва осойишталикни асраш борасида Ўзбекистон томонидан амалга оширилган улғувор ишларга жаҳон аҳли тан берди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг ниҳоятда донолик билан амалга оширган ишлари ижобий самарасини кўрсатди. Шу йилнинг 16 июн кунини Юртбошимиз билан БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқотида Қирғизистон Республикаси жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида уюшган босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига, биринчи навбатда, ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан

жазосиз қолаётган қотилликлар, зўравонликлар, қиргин ва ўт қўйишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар, рақамлар ва далилларни батафсил баён этгани ҳақида матбуотда ёритилди. БМТ Бош қотиби, ўз навбатида, Қирғизистон жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар, БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларига жабрдийдалар жойлашган лагерларга очик ва эркин кириб-чиқиш учун яратилган имконият учун миннатдорлик билдирганини, фалокат зоналарида вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида берган ахборотини ҳам ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Ниҳоят, хунрез-

Дилда ғурур, қалбда фахр туйғуси

ликларга чек қўйилди! Яқинда Юртбошимиз Ислоом Каримовнинг Қирғизистон Республикаси ўтиш даври Президенти Роза Отунбоева Жаноби Олияларига йўллаган мактубини газеталарда ўқиб дилим бироз таскин топди. “Ишончим комилки, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган қонли ва ғайриинсоний воқеалар юзасидан ҳолис ва адолатли тергов, умид қиламанки, у мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида ўтказилади,– деб таъкидла-

нади мактубда,– кўп асрлардан буён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намён этади”.

Умид қиламизки, қўшни республикада ҳам осойишталик ҳукмрон бўлади. Қўшнинг тинч – сен тинч, деганларидек, Қирғизистон ва Афғонистонда ҳам тинчлик ҳукмрон бўлишидан ҳамма бирдек манфаатдор. Шу икки нотинч юрда осойишталик ҳукм суриши, йўлида давлатимиз раҳбарининг қанчалик жонқуярлик билан кучратаётганини жаҳон аҳли кўриб турибди.

Биз мана шу қутлуг кунларимизга осонликча етиб келганимизни ҳам тўғри англамоқ лозим. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон эканлиги қанчалик беқиёс бахт эканини ён-атрофимизга қараб ҳам билсак бўлади. Тинчлик-осойишталик бор жойдагина орзулар ушалади, янги-янги замонавий иморатлар, таълим муассасалари ва бошқа иншоотлар бунёд этилади! Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов босқинчида мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг самарасини кўриб кўз қувонади.

– Баркамол авлод йилида мамла-

Юртимиз истиқлолининг ҳаётбахш одимлари ўн тўққизинчи довонида ҳар бир ватандошимизга ана шундай ғурур ва ифтихор туйғусини бахшида этаётгани баайни ҳақиқат!

катимиз олий ўқув юртлари талабалари ҳаётидаги энг унутилмас воқеалардан бири – Андижонда ўтқизилган “Универсиада – 2010” спорт ўйинлари бўлди,– дейди филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов. – Ўқингизда бўлса, мазкур анжуман бошланишидан илгарироқ, аниқроғи, 26 май кунини Юртбошимиз Ислоом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Андижон вилоятида бўлдилар. Давлатимиз раҳбари “Универсиада – 2010” мусобақалари маросимлари бўлиб ўтадиган “Соғлом авлод” стадионидаги тайёргарлик ишлари билан танишди. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қорхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, бог ва хиёбонлар бунёд этилаётгани барчада бирдек умид уйғотади.

Юртбошимиз Олтинқул туманидаги “Иттифок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган ана шундай замонавий уйларга кўчиб қирган хонадон соҳиблари билан қилган суҳбати оддий қишлоқ одамлари қалбини ғурурга тўлдиргани шубҳасиз.

– Давлатимиз раҳбари бўлган хонадонни биз ҳам қизиқиш билан бориб кўрдик,– дейди ҳаяжон билан Насимхон Раҳмонов. – Хонадон соҳибаси Асалхон Расулованинг хурсандчилигини сўз билан таърифлаш қийин. Бу жаннатмакон хонадонлар қўшни

Қирғизистондан атиги ўн тўрт чақиримча берида қад ростлаб турибди. Бугун қўшни республикадаги аянчли аҳволни айтишга тил бормаиди. Худода шукр, мустақилликка эришганидан буён Ўзбекистон ўтиш даврининг қийинчиликларига бўй бермай шунчалик тараққиётга эришаётганига ҳавас қилса арзийди. Баркамол авлод йилида Андижон вилоятида намунавий лойиҳа асосида 620 турар-жой бинолари барпо этилиши кимни қувонтирмайди! Шу ўринда муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқларини барпо этиш, умуман инфратузилмани кенг ривожлантириш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартира-

ди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Дарҳақиқат, Ватан мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган миллионлаб юртдошлар қалбида эртанги кунга ишонч туйғулари қанчалик жўш ураётгани аини ҳақиқатдир. Юртбошимизнинг “Универсиада-2010” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табрик хати ҳам барчага бирдек кўтаринки руҳ бағишлади.

Дарҳақиқат, республикаимиз ўқув юртлари талабалари ҳаётида муҳим воқеаликка айланган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари миллион-миллион йигит-қизларни жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва бўлмайдиган баркамол ёшлар билан суҳбат курсангиз, уларнинг илму маърифат бўстонига қанчалик камол топаётганидан дилингиз яйрайди.

– Мен 2005 йилда математика фанидан Тошкент шаҳрида ўтказилган олимпиадада 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида ҳам салмоқли натижага эришганман. Ўша йили яна бир омад қилиб боқиб, жонажон Миллий университетимизнинг механика-математика факультетида давлат грантига киришга муваффақ бўлганман,– дейди механика-математика факультети магистрант талабаси Рустам Турдидоев. – 2006-2009 йилларда Урганч шаҳрида республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган олимпиадаларда ҳам фахрли ўринларини эгалладим. 2008 йил – “Ёшлар йили”да толеимнинг энг катта тўғриси – аниқ фанлар йўналиши бўйича Президент стипендиати деган шарафли номга мушарраф бўлдим ва шу муносабат билан факультетимиз алгебра ва функционал анализ кафедрасига магистратурага давлат гранти асосида қабул қилиндим. Интилганга толе ёр, деган нақл бежиз айтилмаган. Шу ўринда фахр-ифтихор билан таъкидлаш жоизки, Миллий университетимизда, “Ёшлар” талабалар шаҳарчаси кўрига кўрк қўшиб турган “Келажақ овози” ёшлар маркази ва бошқа маърифат

масканларида иқтидорли талабаларнинг интилишлари, илмий изланишлари учун жамаки имкониятлар муҳайё этилган. Мана шу қутлуг даргоҳлардаги илмий изланишларим самараси шу бўлдики, ўтган йили Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада Миллий университетимиз номидан иштирок этиш бахти насиб этди. Қўллаб-даватлардан ташриф буюрган ёш математиклар ўртасида икки кун давом этган қизгин беллашувлардан сўнг Ҳакамлар ҳайъати каминанинг ишларини фахрли 2-ўринга лойиқ деб топганларидея севинчидан кўзларимда ёш қалқиб кетди. Дипломни қабул қилиб олиш учун саҳнага фахр-ифтихор ила ўзбекона дўпмина кийиб чиқганимни кўрган турли миллатга мансуб тенгдошларим беихтиёр чапак чалиб юбордилар. Мен ўша ҳаяжонли дамларда олис Будапештдан туриб азиз юртим – Ўзбекистонга, муҳтарам Юртбошимизга, қадрдон университетимизга, меҳрибон устозларимга таъзим бажо айлалдим. Келажаги буюк юртининг биз умидли ёшлари она Ватанимизга муносиб бўлишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, деб биламан.

Юртимиз истиқлолининг ҳаётбахш одимлари ўн тўққизинчи довонида ҳар бир ватандошимизга ана шундай ғурур ва ифтихор туйғусини бахшида этаётгани баайни ҳақиқат! Юрт мустақиллигининг қутлуг тўйига қутлуг қадамлар билан келаётган бунёдкор халқимиз ҳали бундан-да юксаклар сари одимлайвергани.

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎЗМУ Ахборот хизмати раҳбари

ЖАРАЁН

ҚОНУН ВА ИЖРО

Ногиронлар ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланди

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 июнь кuni қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида ногиронларни ижтимоий инфратузилма объектларига (турар-жойга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига ҳамда бошқа муассасаларга) тўққинликсиз кириши учун шароитлар яратилиши шартлиги белгиланган.

Азиз АҚРОМОВ,
Тошкент вилояти Бош давлат меҳнат техник инспектори

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 10 январдаги 3-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари»га асосан бу ишлар амалга оширилади. Мазкур ҳаёт фаолияти муҳитини лойиҳалаш норма ва қоидалари — шаҳар ва қишлоқ аҳолиси яшаш пунктларининг турар-жой ҳамда жамоат биноларининг функционал-режавий элементларига, ҳаракат йўллари параметрларига, транспорт ўтиш жойлари ва кириш узеллари, дам олиш жойлари, автотуриш жойлари тузилмаси, бино ва иншоотларнинг кириш элементлари тузилмасига, бино ичидаги ҳаракат йўллари (эвакуация йўллари), маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойларининг функционал минтақаларига, томоша ва спорт залларига, яшаш ва меҳнат билан шуғулланиш, санитар-гигиеник жойларига ҳамда ногиронларга хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган биноларга тааллуқли.

Ногиронлар аравачаси ҳаракатланиши учун, пийдалар йўлакчаларининг горизонтал қийқилири орғалиғида, биноларнинг зинапоялар маршида пандуслар қурилиши талаб қилинади. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш (реконструкциялаш) ва қуришда юқоридаги талабларни ба- жариш барча ташкилотларга мўлқчилик шакли- дан қатъий назар мажбурий ҳисобланади.

Ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, турар-жой даҳаларини барпо этишга, янги қурилиш учун лойиҳа ечим- ларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини реконструкция қилиш- га, шунингдек, транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий дав- лат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронларнинг (шу жум- ладан, ўриндиқли аравача ҳамда етакловчи ит- лардан фойдаланувчи ногиронларнинг) ижти- моий инфратузилма объектларига (турар жой- ларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўққинликсиз кириши учун, шунингдек, темирйўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, ша- ҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишда- ги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўққинликсиз фойдаланиш учун шароитлар яра- тиш шарт.

Юқорида белгиланган талаблар бажарилиши юзасидан жумладан, Миллий банк Олмалиқ бўли- ми, «Афсар» МЧЖ, Оҳангарон электр тармоқла- ри каби вилоятдаги 1198 та корхона ва ташки- лотларда тушунтириш ишлари ўтказилиб, те- гишли хатлар жўнатилди.

Қонунда назарда тутилган талабларни бажар- маганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жаримани тўлаганлик ташкилотларни ноги- ронларнинг ижтимоий инфратузилма объекта- рига тўққинликсиз кириши, транспортдан уму- мий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ах- борот воситаларидан тўлақонли фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу қонун та- лабларини бажаришдан озод этмайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ғамхўр- лик қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш халқимизга хос ҳусусиятидир. Шундай экан ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш ҳар биримизнинг на- фақат қонуний, балки бажаришимиз зарур бўлган инсоний бурчимизга айланмоғи лозим.

КЎРГАЗМА

Ўқувчилар кўргазмаси

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида "Куч – билим ва тафаккурда" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Ушбу тадбир Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкор- лигида ўтказилиб, унда мак-

таб ўқувчиларининг техник- иждоий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада ўқувчилар са- роийлари ва спорт мактаблари, "Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунос- лар", "Биозкосан" ҳамда ўқувчи-ёшлар техник иждоий марказлари, мудофаага кўмак- лашувчи "Ватанпарвар" ташки- лоти вакилларининг иждоий

ишларидан намуналар, спорт- нинг дуатлон, триатлон, кар- тинг, мотоспорт, автокросс му- собоқалари бўйича техникалар намоийш этилди.

Ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган ҳар бир буюм уларнинг интеллектуал сало- ҳиятини нақадар юксак экан- лигини кўрсатиб турибди. Кўргазмадаги маҳсулотлар йи- қилганлар эътиборини торти- ди. Айниқса, Қарши шаҳрида- ги 34-мактабнинг 8-синф ўқув- чиси А.Йўлдошев томонидан ясалган ракета модели ишти- рокчиларда катта таассурот қолдирди.

ТАЪЛИМ

Ўқувчиларнинг севимли маскани

Самарқанддаги 1-сон педагогика коллежи вилоятдаги нуфузли билим масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу илм даргоҳида мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, бошланғич синфларда тарбиявий ишлар раҳбари, жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

- Коллежда педагогик тех- нологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, янги авлод дас- турлари, услубий мажмуалар, ўқув қўлланмалар яратиш, на- зарий билимларни амалий машғулотлар билан чамбарчас боглаб олиб бориш, кўргазма- ли қуруллар, ўқув лаборатория жиҳозларидан ўз ўрнида фой- даланишга асосий эътибор қаратилади, дейди коллеж директори Норжигит Баратов.

Таълим масканида замона- вий педагогик технологиялар- га асосланган ўқув хоналари ташкил этилган. 1 та ахборот технологиялари, 2 та кимё, 1 та физика лабораторияси, 2 та лингафон хонаси, тикувчилик устaxonаси, спорт зали ва 203 ўринли талабалар уйи ҳамда 100 ўринли ошхона ўқувчилар хизматида.

Ахборот-ресурс маркази ўқув услубий қўлланма ва бади- ий китоблар билан бойитил- ган. Бундан ташқари марказда 7 та замонавий компьютер ин- тернет тизимига уланган. Ўқув- чилар бўш вақтларида Ахбo- рот-ресурс марказидан фой- даланиб, мустақил ишлар, фан янгиликлари билан курс лойиҳа

ишлари устида изланишлар олиб борадилар.

СамДУ билан ҳамкорлик шартномалари тузилган бўлиб, «Миллий истиклол ғояси» мар- кази билан бирга Ватан рав- нақи, юрт тинчлиги, халқ фаро- вонлиги, комил инсон, ижти- моий ҳамкорлик, миллатларо ҳамжиҳатлик мавзуси- да учрашувлар, давра суҳбат- лари ўтказилмоқда.

Ўқувчиларнинг қизиқишла- рига қараб юздан ортқ фан тўғараклари фаолият кўрсат- моқда. Тўғаракларга 1200 дан зиёд ўқувчилар қатнашмоқда- лар. Коллежда вояга етмаган ёшлар оқсоқоллари билан учра- шувлар ўтказиб келинади.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Давлат таълим стан- дартлари» асосида ўқувчилар- га таълим бериш самарадор- лигини ошириш учун фан ка- федраси ўқитувчилари томо- нидан шахсий иш режалари, маъруза матнлари, услубий қўлланмалар, электрон дарс- ликлар тайёрланган.

Ҳар бир машғулот янги пе- дагогик технологиялардан фой- даланиб ўтилмоқда. Коллежда Ўзбекистон Республикаси «Таъ- лим тўғрисида»ги Қонун, Кадр- лар тайёрлаш Миллий дастури асосида ўқув-тарбия жараёни- ни такомиллаштириш, ўқувчи- ларнинг олган назарий билим- ларини амалда қўллаш, кўник- ма ва малакаларга эга қилиш, илғор педагогларнинг иш таж- рибаларини ўрганиб, бўлажак мутахассислар орасида омма- лаштириш мақсадида педаго- гик, ўқув-ишлаб чиқариш ама- лиётларини ўтказишга алоҳида эътибор берилган.

Ўқувчи-ёшларда юксак маъ- навият фазилатларини камол топтириш, уларни бой тари- хий қадриятларга ҳурмат, ис- тиклол ғояларига қўқур эъти- қод руҳида тарбиялаш масала- сида самарали ишлар олиб боришмоқда. Бу мақсадни амал- га ошириш учун коллежда маъ- навий-маърифий ишлар сама- радорлигини ошириш бора- сида маънавият-маърифат мар- кази хонасида «Ҳадис одоб кўзгуси», «Президент асарла- рини ўрганиш» рубрикаси остида китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Дав- лат рамзлари», «Ўзбекистон Ватаним менинг», «Авесто маъ- навият зиёси», «Ислом нури зиёси», «Туркий қавмлар маъ- навияти», «Комусий маърифат ёғдуси», «Темурийлар даври»,

«XX аср маънавият инқирози ва ютуқлари» номли стендлар билан қайта жиҳозланди.

Коллежда 43 та тўғарак мав- жуд бўлиб, унда 920 нафар ўқув- чилар иштирок этади. Коллеж- да 54 нафар иқтидорли ўқувчи- лар аниқланган, улар тўғарак- ларга жалб этилган, ўтказил- ган олимпиада, кўрик-танлов- лар натижаларига кўра мунта- зам равишда рағбатлантириб боришмоқда. Масалан, шаҳар миёқсида ўтказилган олимпиа- дада 5 нафар талаба 1-ўринни эгаллаган, «Қувноқлар ва зук- коллар» беллашувида «Апалон» жамоаси (12 киши) 1-ўринни эгаллади, «Барҳаёт аъёнлари» кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринни, 2-босқич талабаси Нигина Рўзиевава самбо кураши бўйича Осиё чемпионатида 1-ўринни эгал- лади. «Юнон-рум» кураши бўйи- ча 1994-1996 йилларда тугил- ган ёш ўсмирлар ўртасида «Баркамол авлод йили» Дав- лат дастури ва «Қизил ярим ой» жаҳиятининг 147 йиллиги- га бағишланган вилоят бирин- чилигида 58 кг. вазн бўйича Ҳасан Қудратов 3-ўринни эгал- лаб, диплом билан тақдирлан- ди. Бухоро шаҳрида ўтказил- ган ўсмир қизлар ўртасида ка- мондан отиш бўйича Ўзбекис- тон чемпионатида Мадина Ак- рамова 1-ўрин голиби деб то- пилди. Ўзбекистон Республи- каси маданият ва спорт ишла- ри вазирлигининг 1-даражали дипломига эга бўлди. «Кела- жак овози» республика танло- вининг вилоят босқичида кол- леж ўқувчиси Махсуд Аримов тасвирий ва амалий санъат но- минацияси бўйича 1-ўрин ва дипломи қўлга киритди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Металлфурушлар

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш техника буюмлари парча- лари ва рангли металллар чиқиндиларининг ўғирланиши ҳамда ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, шунингдек, қимматли хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақса- дида қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 1999 йил 5 февралдаги «Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга со- лиш тўғрисида»ги ПФ-2212 сонли Фармонида мувофиқ рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини Ўзбекистон Республика- сидан ташқарига олиб чиқиш таъқиқланди.

Таъкидлаш жоизки, республикаимиз божхоначилари томони- дан 2010 йилнинг дастлабки 4 ойи давомида аниқланган 160 га яқин қонунбузарлик ҳолатида 123 млн. сўм қийматдаги салкам 200 тонна рангли ва қора металл парчалари ва чиқиндиларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушбу турдаги қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйиш мақсадида қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Қизилтепа туманидаги айланма йўллардан бирида ҳаракат- ланаётган «КаМАЗ» юк машинаси божхона кўригидан ўтказил- ганда, фуқаро Д.Қосимов унга орттирган 2,8 тонна қора металл парчаларини пуллаш мақсадида йўлга чиққанлиги аён бўлди.

Конимех туманида металлшунос «тадбиркор»лардан яна бири Ж.Бобоевнинг қинғир қилмишлари ҳам ўз вақтида фош этилди. Ушбу фуқаро айланма йўллардан бирида «КаМАЗ» юк машина- сида 3,2 тонна металл чиқиндиларини ноқонуний равишда олиб кетаётган пайтда тўхтатиб қолинди. Шунингдек, туман ҳудудида 3,4 тонна қора металл парчаларининг қонунбузар С.Фофуров томонидан ташиб кетилишининг олди олинди.

Сирдарёлик божхоначилар ҳам йирик миқдордаги рангли ме- талл парчалари контрабандасига чек қўйишди. Республиканинг чегарадош ҳудудида ҳаракатланаётган «КаМАЗ» юк машинаси божхона назоратидан ўтказилганда унда 10 тоннадан ортқ қора металл чиқиндилари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, 12 млн. сўмдан ортқ қийматдаги мазкур металл парчалари фуқаро Д.Эрназарова тегишли экан.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

Давлат Божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Касаба уюшмаси фаолиятини дарёга ўхшатиш мумкин. Дарё қаерда оқмасин у ерда ҳаёт, ўсиш ва ривожланиш бўлади. Дарвоқе, жамоа ўртасида қайноқ муҳитни яратиш ва унинг сафарбарлигини таъминлашда касаба уюшмаси етак- чисининг роли каттадир. Жамоа бўлиб, аҳил ва иноқлик билан фаолият кўрсатиш бу – катта куч.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Пахтакор туман тиббиёт бирлашма- си бошланғич касаба уюшмаси фаолияти билан танишсангиз, жамоа- нинг нималарга қодир эканлиги, иш қўлами ва қўлга киритилаётган ютуқла- ридан қаноат ҳосил қиласиз. Чунончи, бўлимларда соғлом турмуш тарзини юритиш, соғлом оилаларни шаклан- тириш ва болаларнинг илк ривожла- ниш давридаги парваршига алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти. «Сало- матлик» бурчақлари ташкил этилиб, улар мунтазам зарур информაციон материаллар билан таъминлаб бори- ляпти. Аҳоли ўртасида мунтазам дав- ра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиб, соҳани ривожлантириш, ечимини ку- таётган масалалар муҳокама этилмоқ- да. Бунда касабақўм етакчиси Аҳмад Андаев ва унинг 13 нафар қўмита аъзо- ларидан қатъий интизом, тажриба ва фидойилик талаб этилади, албатта.

Ҳозирда тиббиёт бирлашмасида 78 нафар ҳаким (врач), 482 нафар ҳамши- ра, санитар ва техник ходимлар халқ саломатлиги йўлида фаолият олиб бор- моқда. Шуниси қувончлики, айна пай- та оилаларда тиббий саломатлик ях- шиланиб, болалар ўлими камайди. Ту-

ғиш ёшидаги аёллар мунтазам тиббий кўридан ўтказилмоқда.

Мана ўн йилдирки, юқумли касаллик- лар бўлими мудури, олий тоифали ши- фокор, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси Аҳмад Ан- даев туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма қўмитасига

Биргина 2010 йилда хотин-қизларнинг 15 нафари рағбат- лантирилди, 12 нафарига турли дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланма берилди. Жами 180 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

етакчилик қилиб келмоқда. Қизиқувчан, ҳаракатчан, синчков, зийраклик унга хос хислат. Етақчи ҳар бир қўмита аъзоси- нинг меҳнатини қадрлайди. Ҳар гал уч- рашганида худди қадрдон дўсти, ҳам- касбини кутгандек қарши олади, унинг фикр-мулоҳазаларини тинглайди.

Касабақўм раислигига сайланган дастлабки йиллари «Жамоа билан тил топиб кетаманми, бу вазифани уddaлай олармиканман?», деган саволлар унга тинчлик бермасди. Албатта ўша кезлари устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Асқар ака Махидов унга ўз куч-ғайратини тўғри чамалаш, жамоа билан доим ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш лозимлигини ўқитди.

Аёл – оила фаришаси. Агар у бах- тиёр бўлса, оиласи бахтли. Бахтли оила- лар эса мамлакат таянчи, гуллаб-яш- нашининг қувват манбаидир. Касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг фао- лият йўналишларидан яна бири ана шундан иборат. Бу кўп нарсаларни ой- динлаштиришга имкон бермоқда. Жум- ладан, қўмита уюшмаси ҳисобидаги 70 фоизни ташкил қилган хотин-қизлар- нинг меҳнат шарт-шароитлари ўрга- нилиб, уларга имтиёз ва рағбат кўрса- тиш, меҳнат таътиллари ҳамда бўш вақтларини қўнғилли ўтказиш каби масалалар доимо назоратга олиниб, мониторинг қилинмоқда. Биргина 2010 йилда хотин-қизларнинг 15 нафари рағ- батлантирилди, 12 нафарига турли дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланма берилди. Жами 180 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кей- инги бир йил мобайнида касаба аъзо- ларига 290 880 сўм соғломлаштириш учун, 406 минг сўм моддий ёрдам учун,

4 миллион 336 минг сўм маданий дам олишлари учун ва 556 640 сўм фарзанд- ларининг ёзги оромгоҳларда дам олишлари учун сарфланди.

Наврўз ва мустақиллик байрамла- рига бағишланган умумхалқ ҳашарла- рини ўтказиш орқали тиббиёт бир- лашмаси ва ҚВПлар хйёбон, майдон- ча ҳамда йўлакларини (тротуар) обо- донлаштириш ва кўкаламзорлашти- риш ишларининг намунали ташкил этилганлиги сабабли янада обод ва кўркем бўлишига, қадимий ҳашар аъ- оналарининг янги музмида кенг ёйи- лишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, «Энг фаол маҳалла шифокори», «Энг намунали бўлим», «Энг обод ҳудуд»

ФАОЛИЯТ

каби 12 та номинация бўйича кўрик- танловлар ўтказилиб ғолиблар рағ- батлантирилмоқда. Натижада икти- дорли, ҳар томонлама билимдон ва ташкилотчи шифокорларнинг касбий салоҳиятлари кенг намоийш қилинди. Биргина кейинги уч ой ичида ҳашар йўли билан спорт майдончаси ва ба- дий гимнастика зали таъмирланди, 3 километрик тротуарга шағал ётқи- зилиб асфальтланди. 1000 дан зиёд мевади дархат ва гул қўчатлари ўтқа- зилиб, улар парваршига ҳам эъти- бор қўйилди.

Тиббиёт бирлашмаси қошидаги АРМ интернет тармоғига уланган. Ўқув хо- налари ташкил этилган. Нурухонада ши- фокорлар томонидан «Китоб – дилга нур беради», «Бадий адабиётлар – миллий ғоя жарчиси» ва Президенти- миз Ислам Каримовнинг «Юксак маъ- навият – енгилмас куч» асари ҳақидаги суҳбатлар, ёзма иждоий савол-жавоб кечалари ўтказиб келинаётганлиги таъ- синга лойиқдир. Кутубхона мудираси Зулхумор Холбўтаеванинг диққат-эъти- бори баркамол авлод онгига она Ва- танга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий ғояни улар онгига сингдириб боришга қаратилган.

Ўқинда туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси- нинг навбатдаги ҳисобот-сайлов йи- ғилиши бўлиб, унда ўтган ҳисобот дав- ри кўрсаткичлари ҳозиргиси билан со- лиштирилганда ўсиш ва юксалиш қўла- ми юқори ҳамда эришилган ютуқлар қамрови кенглиги ҳисобга олиниб, ка- сабақўм етакчиси, Ўзбекистон «Мил- лий тикланиш» демократик партияси аъзоси Аҳмад Андаевни жамоа яқдип- лик билан қайта сайлашди. Бу эса ка- сабақўмдан янада масъулият ва фи- дойиликни талаб этади.


ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРХ

Жорий йилнинг 20 апрель куни Мексика қўлтигида нефть платформа-сидаги портлаш оқибатлари тез орада ҳал этилиши, океанга сизиб чиқаётган улкан нефть доғлари тозаланиши маълум қилинганди. Аммо икки ярим ойдирки, муаммо бартараф этилгани йўқ, аксинча, нефть доғлари тобора кенгайиб, экологияга жиддий таъсир қилмоқда. Айрим маълумотларга кўра, портлаш оқибатида юзага келган 3 та нефть оқимидан кунига 15 миллион литр нефть чиқиб кетмоқда. Ҳалокатни бартараф этиш ишлари эса яна 3 ой давом этиши мумкин.

Нефть доғлари

АҚШнинг бешинчи штатига ҳам етиб келди. оқибатда сув, ҳаво, ер, ўсимлик дунёсию ҳайвонот олами жиддий талофат кўрмоқда



Беҳбуд БОТИРОВ

Уша кунги портлашда 11 ишчи ҳалок бўлган ва 36 соат-лик ёнғиндан сўнг АҚШ қирғоқ бўйидан 37 км. узоқликда "British Petroleum" тегишли «Deepwater Horizon» нефть платформаси чўкиб кетган. Бу Американинг жанубий штатлари экологиясига катта зарар етказмоқда. Соҳилга яқинла- шиб келаётган қора доғ - нефть сув, ҳаво, ер, ўсимлик дунёси- ю ҳайвонот оламини емирмоқ- да. Ҳозирнинг ўзида Луизиана, Миссисипи, Алабама ва Флорида ортидан Техас ҳам Мексика қўлтигидаги нефть оқимидан зарар кўрган АҚШ штатлари рўйхатини тўлдирди. Бу ерда бир неча кундан буён «Кит» номли улкан нефть йи- гувчи мослама ёрдамида ден- гиз сувини тозалаш ишлари давом этаётганди. Аммо кунига 80 миллион литр денгиз су- вини тозалаш имконига эга

кучли танкер денгиздаги кучли тўлқинлар туфайли вақтинча ишини тўхтати. Нефть доғла- ри эса аввалгидай «бир ма- ромда» оқишда давом этмоқ- да. Боз устига гидрометеоро- логия хизмати яқин кунлар ичи- да об-ҳаво яхшиланмаслиги, кучли бўронлар содир бўлиши ҳақидаги хабарлари вазиатни янада чигаллаштирмоқда. Буюк Британиянинг "British Petroleum" компанияси нефть оқими оқибатларини бартараф этиш учун 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган. Компанияга қарши 47 мингта молиявий суд ишла- ри қўзғатилган. Бироқ мазкур масала юзасидан судга тушган мувожаатларнинг ҳали ярми ҳам тартибга солингани йўқ. Яқинда BP компанияси иш- дан чиққан қудуқдаги 3 та оқим- нинг энг кичигини тўхтатишга муваффақ бўлганини маълум қилганди. Аммо кейинроқ оке- анга тушаётган нефть аввалги-

Мексика қўлтиги шельфида нефть ва табиий газнинг катта захираси мавжуд. Мазкур фойдали қазилмаларни олиш учун асосан нефть платформалари- дан фойдаланилади.

дай шиддат билан оқаётгани маълум бўлди. Шу сабаб вази- ят ҳамон тезкор чоралар қабул қилишни тақозо этмоқда. Айни пайтда нефть оқимини улкан металл ёрдамида тўхтатиш ва уни юқорига йўналтириш мак- садида цемент қопқоқ яратиш бўлганда ҳам бу мураккаб иш. Иккинчи вариант анча самара- лироқ, аммо унга кўп меҳнат талаб қилади. Бу параллел қудуқни бургулашдир. Бунда асосий қудуқни назорат қилиш мумкин бўлади. Бир вақтнинг ўзида BP муам-

лаш мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, муҳими, сизиб чиқа- ётган мойни тўхтатиш, тарқа- либ улгурганини ёқиб, зарар- сизлантириш керак. Нефть доғи соҳил ҳаётига, денгизда- ги жониворларга таҳдид сол- моқда. Нозик экосистема тик- лаб бўлмас даражада зиён кўриши мумкин. «Deepwater Horizon» плат- формасидаги авария худуд эко- логиясига жиддий таъсир кўрсатган. "Les Echos" нашри- нинг ёзишича, мутахассислар аллақачон воқеанинг келгуси кўринишини башорат қилмоқ- да. АҚШ ҳукумати нефть билан оғирланган худудда балиқ овини таъқиқлади. Бу эса шу қабар оқасидан йилига 3 мил- лиард АҚШ доллари миқдори- да даромад қиладиган Луизиана балиқчилари учун оғир зар-

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Бош котиб баёнот берди

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Уганда пойтахти Кампа- лада 74 кишининг ҳаётига зомин бўлган терактларни ўтакетган ваҳшийлик сифатида қоралади.

Франс Пресс агентлигининг қайд этишича, Бош котиб ўз ба- ёнотида ўнлаб бегуноҳ инсон- ларни ҳаётдан олиб кетган, юзга яқин аҳоли- нинг жонига озор етказган ушбу террорис- тик актларни қатъиян қора- лайди. Қолаверса, у тез кунларда бундай хунрезлиқни содир этганлар қонун йўли билан жазоланишига умид билдиришини айтган. Эслатиб ўтамиз, Кампаладаги терактларнинг биринчи- си тунги клуб ва унинг ресторанида, иккинчиси эса икки кундан сўнг содир этилган. Барча терактларни «Аш-Шабаб» Сомали исломий ғуруҳи амалга оширганини тан олган. Бугунги кунда Уганда иқтисодий жихатдан ривожланган Африка давлатлари сирасига қиради. Ҳар йили мамлакатга миллиардлаб сармоя- лар оқиб келади. Хусусан, бу ернинг нефтига бўлган қизиқиш жуда катта.



Махсус сессия июлда

«Майинити» газетасининг ёзишича, Япония парла- ментининг махсус сессияси июль ойи охирида иш бош- лаши керак.

Маълумот- ларга кўра, мах- сус сессия чоғи- да депутатлар парла- мент юқори палатаси- нинг янги раиси- ни сайлайди. Бундай эҳтиёж- нинг пайдо бўлишига сабаб, яшанба кунги бўлиб ўтган пар- ламент сайлов- ларида амалда- ги коалиция камроқ овоз тўплаган. Сайлов якунларига кўра, Демократик партия ва Янги партия коалициясидан парламента- га 110 нафар депутат сайланган бўлса, муҳолиф партиялар 132 та депутатлик мандатини қўлга киритган. Айни пайтда муҳолифчи- лар парламентнинг амалдаги раиси Сацуки Эдани муҳолиф партиялар орқали қайта сайланишини талаб қилишмоқда.



Ҳисобот бериш мажбурий

Хитой давлат кенгашининг яшанба кунги қарорига кўра, мамлакат амалдорлари нафақат шахсий, балки турмуш ўртоғи ва фарзандларнинг даромади, мол- мулки тўғрисида компартий марказий қўшма сис- темасига декларация топширишлари лозим.


Маҳаллий ОАВларнинг ёзишича, ушбу қарор мамлакат- да коррупция- нинг авж олиши- га қайсидир маънода чек қўяр эмиш. Янги қоидага асосан хитойлик амал- дорлар, йилда бир маротаба юқорида таъкидланган даромадлардан ташқари ёзган китоби ва қилган маърузаси учун олган қалам ҳақи, акция ва биржа савдоларидан тушган даромадлари ҳақида ҳисобот беришга мажбур. Бундан ташқари, давлат идоралари ва корхона- лар вакиллари ҳам оила бюджетидagi ўзгаришлар тўғрисида қўмитани хабардор қилиб туриши шарт экан. Маълумки, илк бор Хитойда даромад декларацияси 1995 йили жорий этилган ва унга вақти-вақти билан ўзгаришлар киритиб турилган. Сўнгги бор бу қоидалар жорий йилнинг апрель ойида янгиланган. Эслатиб ўтамиз, Хитойда коррупция қаттиқ қораланади ва катта миқдорда пора олган шахс олий ёки бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этилиши мумкин.



Қуёш тўлиқ тутилди

Кунни кеча Тинч океанининг жанубий қисмида куза- тилган қуёш тўтилиши ниҳоясига етди.

Ой сояси Чили ва Аргенти- на худудининг жанубий сарҳад- ларига етгач, Гринвич вақти билан соат 20:51 да Ерни буткул тарк этган. 260 километр ўлча- га тенг ой сояси Кука, Пасха ва Франция Поли- незиясининг бир қатор оролларига ҳам тушган. Қўпчилик бу ҳолатни Тинч океа- нининг жанубий қисмида кузатишга муваффақ бўлган. Мутахас- сисларнинг гапига қараганда, бу йил қуёшнинг тўлиқ тўтилиши кузатишган. Авваллари бундай ҳолат қисман юз берган. Масал- ан, шу йилнинг январь ойида ой дисклари қуёшни ҳалқасимон кўринишда қоплаган ва тожи деярли кўринмаган эди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИНДУНЁ


Камеруннинг шимолий- ғарбий қисмида жойлашган Ниос кўли олимларни бир неча йиллардан бери қизиқ- тириб келмоқда. Айтишла- рича, маҳаллий аҳоли кўлдан худди қонхўр мах- лўқни кўргандек кўрқишар- кан. Негаки, бу кўл 1986 йил 21 август куни бир неча сонияда 1700 киши ва тах- минан 6000 та ҳайвоннинг ўлимига сабабчи бўлган. Демак, кўл тубида қандай- дир сир бор.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tikanish" муҳбири

Мутахассислар узоқ йиллар бу бо- рада тажрибалар ўтказиб, кўлнинг ту- бида катта миқдорда йирилган газ қан- дайди куч билан юқорига чиқади, де- ган ҳулосага келишди. Уша мудҳиш куни чамаси кеч соат саккизларда кўл тўсатдан 8 метр ба- ландликда тўлқин ҳосил қилади. Шун- да сув тубида йирилган газ бир зумда бир километр баландликка кўтарилиб, катта сув тўлқини водийга қулайди. Натижада ярим соатдан сўнг кўлнинг атрофидаги 25 км. масофада ҳеч қан- дай тирик жонзот қолмайди. Олимлар ушбу фожиани 1984 йилнинг 15 авгу- стида Манун қўлида рўй берган фало- катга ўхшатишади. Ушанда 37 киши ҳалок бўлганди. Мутахассислар икки фожиани узоқ текшириб, бу кўлнинг

Ниос кўлининг сири

сирини топгандай бўлишди. Айтишларича, кўл тубида газ йиғили- шининг асосий сабаби, ушбу кўллар қадимги ву- лқон кратерлари йўлида эканлигидадир. Манун кўлининг чуқурлиги 99 метр, Ниос кўлиники эса 210 метр. Тажрибалардан маъ- лум бўлишича, 1 метр кўл сувига 14 литр газ тўғри келаркан. Яна шундай фожа юз бермаслиги- нинг олдини олиб, мута- хассислар тавсияси бил- ан у ердаги аҳоли бош- қа ерга кўчирилган. Ушбу воқеадан сўнг Франция илмий-амалий жамияти ушбу масалада ёрдам қўлини чўзиб, ўз тадқиқотини бошлаб юборади. 1990 йили Франциялик геофизик Мишель Хальбекс ҳам- касблари билан махсус лойиҳа ишлаб чиқади. Улар кўл тубидан газни бошқа йўл билан тарқатиб юбориш усуллари- ни қидиришади. Мишель ўн йил умри- ни ана шу тадқиқотга бахшида қилган. Олим кўл тубига қувур ўтказиб, 20 метр баландликда сўнғий гейзер ҳосил қила- ди. Экспедиция гуруҳи тажриба жара- ёнида бир қанча машаққатли кунларни бошидан кечиради. Айниқса, маҳал- лий аҳоли томонидан тазйққа учра- ган гуруҳ, яъни аборигенларнинг ҳужу- мига юз-юзма келганида ҳам тадқи-



қотларни давом эттиради. Ушбу ил- мий тадқиқот аборигенлар учун бего- налар уларнинг худосини безовта қилиш билан баробар эди. Шундай қилиб, ўша интиқлик билан қутилган кун ҳам етиб келади. 2001 йил 30 январь куни Мишель Хальбекс ўз гуруҳига лойиҳа амалиётга тайёрлиги- ни эълон қилади. Ҳамма ҳаяжонда бир- гина «қопқоқ очилсин» деган буйруқни кутиб туришади. Ва ниҳоят, тажриба муваффақиятли кечади, олимлар ўйла- ган натижага эришишади.

— Мана шу лойиҳа билан йилига 20 минг кубометр газни тарқата оламиз, беш йил ичида эса кўлни батамом газ- дан тозалаймиз. Ана шунда маҳаллий аҳоли ўз уйларига қайтиб, яна 100-200 йил хавотирсиз яшай олишади, дейди Мишель Хальбекс. Мутахассислар, бу умуман хавфдан халос бўлинди, дегани эмас, балки хатар вақтинчалик ортага қайтарилган- нидир, дейишмоқда. Ҳа, табиатнинг биз билган билмаган сир-асрорлари беҳисоб.

